ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ

Адвокатлардан бепул фойдаланиш мумкин

Ҳуқуқий ҳимояга эҳтиёжи бор ва умуман барча-барча одамларнинг адвокатлар рўйхати билан танишиб чиқишлари учун уларнинг исм-фамилиялари, телефон рақамлари (уй, иш, уяли, пейджер) рўйхати ёзилган плакатлар, буклетлар тайёрладик ва уларни аҳоли ўртасида тарқатиш ишларини олиб бораяпмиз. Ҳуқуқий ёрдамга эҳтиёжманд бўлганлар бемалол мазкур адвокатларга телефон қилишлари ва уларга вазиятни тушунтиришлари мумкин. Телефон қўнғироқларини истаган вақтда амалга ошириш мумкин, ҳатто дам олиш кунларидаям.

2-бет

НАВОИЙНИНГ БЕНАВО НАШРИ

Эҳтимол, қоғоз тежаш учун шундай қилингандир? Аммо қоғозни... Навоийдан, боз устига, "Мукаммал асарлар тўплами" эвазига тежаш керакми?

Хўш, унда нега айнан шу нашрда қоғоз исрофгарчилигига ҳаддан ташқари йўл қўйилади?

3-бет

ИШОНАРДИ ИНСОН НАСЛИГА

Шайх аканинг "Яхшилар қадри" шеъри фақат шеър ихлосмандлари ўртасида эмас, ҳамма касбдаги ва ҳамма тоифадаги одамлар орасида ҳам ёд айтила бошлаганди:

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!
"Салом" деган сўзнинг салмоғин оқланг.
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан, —
Уни тиригида бир соат йўқланг!

4-бет

Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№31 (337) 2003-yil 6-avgust

ВАЛЮТА ҚИЙМАТИ

1 АҚШ $ — 973,91 сўм

1 ЕВРО — 1097,60 сўм



«Ҳуррият» сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!

Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233.

Муносабат

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Президент Ислом Каримовнинг яқинда Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига сафари давомида фаоллар билан учрашуви чоғида мен журналист сифатида зиммамизда турган ана шу туйғулар залворли юкини яна бир карра чуқур ҳис қилдим.

Мустақиллигимизнинг 12 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрилаётган, умумхалқ шодиёнаси тантаналарига саноқли кунлар қолган бир пайтда мамлакат раҳбарининг сафари ўзига хос рамзий маъно касб этди. Ташриф чоғидаги Вобкент тумани Ином Наимов номли ширкат хўжалиги аъзолари билан бўлган учрашув, ошкора ва самимий мулоқотларда ҳам, вилоят фаоллари йиғилишида ҳам истиқлол йилларида амалга оширилган иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар, эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар, аҳолининг бугунги ҳаёти, кайфияти, ўй-фикрлари, олдида турган муҳим вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар асосий диққат-эътиборда бўлди. Барча масалаларга қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш, бетакрор меъморий обидаларни асраб-авайлаш, кенг кўламли ободонлаштириш ишларини олиб бориш, фаолиятни халқ манфаатдорлигини ошириш, турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, миллий-маънавий қадриятларимизни бойитиш, одамларда мулкка, ерга эгалик туйғусини тўла шакллантиришга йўналтириш нуқтаи назаридан ёндашилди. Қайта таъмирланаётган ва бутунлай янгича кўринишда чирой очаётган Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг зиёратгоҳларига ташриф, Чорбакир меъморий ёдгорлиги билан танишув давомида миннатдор авлодлар эъзоз-эҳтироми туфайли сайқал топаётган муқаддас қадамжоларни янада ободонлаштириш юзасидан бир қанча амалий тавсия ва кўрсатмалар берилди. Бу борада Самарқанд ва Шаҳрисабздаги тарихий қадамжоларни обод этиш борасида тўпланган бой тажрибалардан ижодий фойдаланиш кераклиги уқтирилди.

— Ҳар биримиз шу юрт учун, шу тупроқ учун ота-боболаримиз ётган шу муқаддас она замин учун, фарзандларим учун нима қилдим, деган саволни ўзимизга беришимиз керак, — деди Юртбошимиз фаоллар йиғилишида Бухорода бугун амалга оширилаётган ишларга баҳо берар экан. — Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар ким ўз ҳаётидан мамнун бўла олсин, барпо этилган бино юз берган ўзгаришларда менинг ҳам ҳиссам бор, деб айта олсин.

Пировардида мамлакатимиз раҳбари тўпланганлар диққат-эътиборини вилоятда иқтисодий ислоҳотлар таҳлилига қаратди. Табиатда юз бераётган экологик ўзгаришлар вилоят ерларининг унумдорлигини пасайтириб, тупроқ таркибининг бузилишига сабаб бўлаётгани жиддий ташвиш туғдираётганлигини алоҳида куйинчаклик билан гапирди. Ер унумдорлигини яхшилаш чораларини кўриш юзасидан тавсиялар берди. Бундай шароитда инсон омилига эътибор ҳар қачонгидан ҳам муҳим бўлмоғи керак. Табиий газ, айниқса, ичимлик сув таъминотидаги ҳолатнинг ёмонлиги қаттиқ танқид қилинди ҳамда мутасадди раҳбарларга зудлик билан аҳволни яхшилаш чора-тадбирларини кўриш топширилди. Мамлакатимиз раҳбари қишлоқларда аҳоли уй-жойларини шинам, замонавий лойиҳалар асосида барпо этиш, уларга тайёр, синалган лойиҳаларни тавсия қилиш, тўй ва маросимларни камчиқим, ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш, ортиқча маъмурий бошқарувдан воз кечиш хусусида ҳам батафсил сўз юритди.

Юртбошимизнинг фаоллар йиғилишида вилоят газеталари бош муҳаррирлари сифатида мени минбарга таклиф этганлиги мутлақо кутилмаган ва унутилмас воқеа бўлди. Президент танқидий чиқишларимиз, эркин журналистик фаолият юритишимизга нисбатан мутасадди раҳбарларнинг муносабатлари билан қизиқди. Мулоҳазаларимни тинглаб, олдимизга вилоят ҳаётининг ижобий томонлари билан бир қаторда содир бўлаётган хато-камчиликлар, юзага келаётган муаммоларни изчил ва дадил ёритиш талабини қўйиши, халқ бор ҳаёт ҳақиқатини газета саҳифалари орқали билиб туриши кераклиги, матбуот жамиятни ҳамиша ҳушёр қилиб турадиган куч эканлигини алоҳида уқтирди. Бу ишонч ўз навбатида зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Шуни таъкидлашим керакки, фаоллар йиғилишида олдинга қўйилган вазифалар юзасидан вилоят ҳокимлиги алоҳида дастур ишлаб чиқди ҳамда унда бажарилиши кўзда тутилган ишлар ҳажми, аниқ муддатлар белгилаб олинди. Таҳририятимиз йиғилишида биз учун билдирилган фикр-мулоҳазаларни яна бир карра изчил ўрганиб чиқдик. Бу ишонч, илиқ муносабатлар ва эътибор, шубҳасиз, нафақат бизнинг ижодий жамоамиз, балки барча бухоролик журналистларга янгича куч, ғайрат ва кўтаринкилик бағишлайди, дадиллик, фаолликка даъват этади.

Дарҳақиқат, Ислом Каримов аксарият учрашувлар ва маърузаларида ижодкорлар, айниқса, журналистлар олдига матбуот саҳифаларида ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида тўсқинлик қилаётган иллатларни фош этиш, кенг жамоатчилик эътиборини турли соҳаларда рўёбга чиқарилаётган ўзгаришлар, серқирра ҳаётимизни бутун бўй-басти билан ёритишдан ташқари истиқлол йўлидаги саъй-ҳаракатларимизга тўсқинлик қилаётган иллатлар, мавжуд нуқсонлар, халқ ташвиш-дардини ҳаққоний ёритишга даъват этаётгани, янада фаолликка ундаётгани яхши маълум. Мамлакатимиз раҳбари жойлардаги ҳақиқий аҳволга тўсқинлик қилаётган кимсаларнинг асл қиёфаларини фош этиш, ҳаётимизни янада яхшилаш билан боғлиқ муаммоларга эътибор қаратишда матбуот кучига таянмоқда. Шу боис ҳам сўз эркинлигини таъминлаш, бу жараённинг ҳуқуқий асосларини яратиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, матбуотни чинакам "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтариш борасида қатор амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Албатта, бу жараёнларнинг амалий рўёби ҳали барча жойда ҳам бирдай таъминланмаётган, талаб этилаётган даражада силлиқ кечмаётган бўлса-да, ўтган давр мобайнида муайян ижобий силжишларга эришилганлигини ҳам тан олмаслик мумкин эмас.

Юртбошимиз вилоят фаоллари йиғилишида ҳар бир иштирокчи ёзиб олишини таъкидлаб, қуйидаги фикрни алоҳида уқтирди: **"Юқоридан буйруқбозлик қанча кам бўлса, пастдаги ташкилотлар, одамлар ташаббускорлиги шунча ортиб боради!"** Айнан шундай муҳит, айниқса, биз, журналистлар учун сув билан ҳаводек зарур ва бу пировардида жамият тараққиёти, чинакам ҳаёт ҳақиқатини очиқ-ойдин, ҳеч қандай бўёқларсиз акс эттириш, рост сўз тантанасига хизмат қилади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "Бухорономa" ва "Бухарский вестник" вилоят газеталари бош муҳаррири

Якун

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИЗ БЎЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2003 йилнинг I ярим йиллигида иқтисодий ва ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ҳамда ушбу соҳаларда ислоҳотларнинг муҳим устивор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида"ги баёнида белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш борасида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги вазифалари ҳақидаги масала Агентлик Ҳайъати мажлисида муҳокама қилинди.

Ўтган ярим йил мобайнида Агентлик нашриёт ва матбаа корхоналари томонидан 7703,5 миллион сўмлик матбаа маҳсулотлари чоп этилди. Жумладан, 2003-2004 ўқув йилларига мўлжалланган 93 номдаги мактаб дарсликлари 3,6 миллион нусхада босиб чиқарилди. Маҳсулот экспорти 43,6 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Чоп этилаётган китоблар аҳолининг бадиий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий адабиётларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилаётир. Хусусан, "Ўзбекистон" нашриёти томонидан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "Ислоҳотлар стратегияси – мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдир", "Миллий армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" китоблари, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" нашриёти томонидан "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"нинг 5-жилди чоп этилгани эътиборга моликдир.

"Оилада тиббий маданият", "Она ва бола", "Соғлом авлод" давлат дастурлари бўйича Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриётида икки жилдлик "Тиббий терминлар изоҳли луғати", "Бахтли она бўлинг", "Ўсмирлик даври ҳақида", "Қарияларга малҳам бўлайлик", "Юз дардга юз даво", "Ўқитувчи" нашриётида "Кичкинтойлар алифбоси", "Чўлпон" нашриётида эса Тўлан Низомнинг "Довон", "Куёв бўлиш илми" ва "Келин бўлиш илми" китоблари босмадан чиқарилгани айни муддао бўлди. Бу каби китоблар тез фурсатларда ўз ихлосмандларини топаётгани шубҳасиз.

Соҳа ходимларини рағбатлантириш мақсадида ҳар йили матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни байрами арафасида якунланадиган "Йилнинг энг яхши асари", "Йилнинг энг яхши муҳаррири", "Йилнинг энг яхши дизайнчи рассоми" кўрик-танловларини ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ҳайъат мажлисида қайд этилганидек, ноширлик соҳасидаги ҳамма ишларни бирдек ижобий баҳолаб бўлмайди. Агентлик томонидан матбаа корхоналарининг амалдаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мониторинг ишлари олиб борилганда талай қонунбузарликларга йўл қўйилгани аниқланди. Чунончи, Тошкент шаҳрида жойлашган "Ноз-Оила" фирмасига қарашли босмахонада ҳеч қаерда рўйхатга олинмаган "Қисмат-14-Шайтанат" деб номланган "газета" чоп этилаётгани аниқланди. Қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди ҳамда ўша "газета" ва матбаа корхонаси фаолиятига чек қўйилди.

Мажлисда "Обод маҳалла йили" дастури юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳлил этилди. Ўтган давр мобайнида бу мавзуда 6 номдаги адабиётлар 15,0 минг нусхада чоп этилган. "Фуқаролик – жамиятнинг пойдевори", "Аввалу охир", "Миллий тафаккур тарихидан" сингари янги китоблар ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олингани сир эмас. "Тасвирий ойина" уюшмаси "Маҳалла – эзгулик бешиги" мавзусида ранг-баранг плакатлар нашр этган.

Айни пайтда республикада 12 та хусусий ва Ўзтелерадиокомпаниянинг "Ёшлар" FM радиоканаллари фаолият кўрсатмоқда. Хўш, ушбу радиоканаллар эшиттиришларини талаб даражасида дейиш мумкинми? Афсуски, мониторинг натижаларига кўра, FM радиоканалларида эфирга узатилаётган дастурлар савияси замон талаби даражасида эмаслиги, баъзи радиоканаллар ўз Низомларида белгиланган вазифаларга тўлиқ риоя этмаётганлиги маълум бўлди.

Ушбу радиоканаллар Низомининг асосий мақсад ва вазифалари замонавий куй ва қўшиқларни тарғиб қилишдан ташқари "...миллий халқ мусиқаси ва анъанавий ўзбек куй ва қўшиқлари орқали фуқароларда Ватанга, миллий қадриятларга ва давлат тилига муҳаббат ҳисларини уйғотиш, бастакорларнинг замонавий миллий ва мумтоз асарлари билан таништириш, ёш авлод қалби ва тафаккурида миллий ғоя ва миллий мафкура, умумбашарий қадриятларга, демократик тамойиллага асосланган дунёқарашни шакллантириш, жамоатчилик онгида истиқлол ғояларига чексиз садоқат, она диёрга меҳр-муҳаббат, эътиқод, жасурлик ва фидойилик руҳини чуқурроқ сингдиришдан иборат..." деб белгилаб қўйилган.

Афсуски, "Сезам", "Гранд", "Ўзбегим таронаси", "Ҳамроҳ" ва бошқа радиоканаллар орқали эфирга узатилаётган эшиттиришларда Ўзбекистон ҳаётига оид хабарлар деярли берилмаяпти. Асосан хориж хабарлари ёки айрим халқаро ташкилотлардан олинган маълумотлар асосий эфир вақтини банд қилмоқда.

Тингловчилар эътиборига ҳавола этилаётган кўпгина эшиттиришлар мавзуси ўта саёз ва баъзан бачкана бўлаётгани ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. "Қиз бола биринчи бўлиб ўғил болага севги изҳор қилиши" алоҳида мавзуга айлантирилиб, тингловчилар билан телефонда "муҳокама" қилиниши кимга маънавий озиқ беради? Олди-қочди шоулар, айниқса, ёшларнинг савиясини ўтмаслаштириб қўймайдими? Баъзи дастурларда ўзбек лисонида мутлақо учрамайдиган, мантиқсиз сўзлар "истеъмолга киритилаётгани"ни қандоқ изоҳлаш мумкин? Масалан, "Гиёҳшахс" деган мантиқсиз сўз айрим сухандон ва репортёрлар тилидан тушмай қолди...

Қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ушбу масала юзасидан "Ёшлар" канали, "Гранд" радиостанцияси вакиллари ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Ҳамкорлик — самарасиз бўлмайди. Мажлисга таклиф этилган турли радиоканаллар мутасаддилари вақти-вақти билан ошкора суҳбатлар, мулоқотлар ўтказиб турилишини таклиф этдилар.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги матбуот хизмати

Луқма

КИМНИНГ ҲУЗУРИГА БОРДИК-А?..

Истиқлолимизнинг 12 йиллик байрамига пешвоз чиқаяпмиз. Республикамизда бўлгани каби соғлиқни сақлаш, халқ таълими, маънавият ва маърифат соҳаларида шу улуғ номга муносиб бўлган устозлар, қишлоқ зиёлилари, халқ таълими аълочилари, саломатлик посбонлари пойтахт вилоятининг энг узоқ туманларидан бири Бекободда ҳам кўп.

Туман ҳокими Маҳмуджон Шукуралиев янги иш бошлаган кезлар эди. Маҳкамада суҳбатимиз ғалла ўримига тайёргарликнинг бориши, одамлардаги кайфият, қишлоқдаги аҳвол, ободончилик тўғрисида борди. Ўшанда ҳоким: "Ғалла, пахта учун ҳаммамиз жавобгармиз, лекин мактаб иши, эл соғлиғини ўйлаш, касалхонадаги аҳвол, туғруқхонадаги вазиятни, болалар тарбиясини унитиб қўйишга ҳеч биримизнинг сира ҳаққимиз йўқ. Мукофотга келган "Дамас"га кўз тикиб турган раҳбарлар кўп экан, олдимга келди. Тўғриси, ҳеч ким билан маслаҳат қилмай, туғруқхона шифокорларига бериб юбордим. Раису оқсоқолларни ёнимга олиб, мактаблар аҳволи, ўқитувчилар ҳаёти, турмуши билан қизиқдим. Билдимки, шароит оғир. Юз миллионлаб маблағ сарф қилиш ниятимиз бор. Мактабда, тиббиётда ҳали амалга ошириладиган ишларимиз кўп", деган эди куюнчаклик билан.

Ана шу хайрли ишлар, янги ҳоким қалбига тугиб қўйган яхши орзулар қай даражада амалга ошаётгани хусусида ёзиш нияти туғилди бизда. Ҳоким билан учраша олмадик. Ижтимоий масалалар бўйича муовини Каримқул Мавлонов ҳузурига кирдик. У мақсадимизни англагач:

— Мен сизлар билан бўлолмайман, ўтказадиган тадбирларим жуда кўп. "Хос"да педагог-мураббийлар йиғилиши бор, у ёққа боришим керак. Соат 16 ларда коллежда огоҳлик тўғрисида йиғин қиламиз, — деди кайфияти йўқ ҳолда.

Ҳоким муовинининг иши кўплиги, вақти зиқлигини сезганимиздан сўнг уни "яхши келибсизлар, мана шу тадбирларда бирга бўламиз", деса керак, деган хаёлга бордик. Йўқ, биз ўйлаганча бўлмади.

Телефонда рақам тера бошлади. Сўнг қўнғироқ тугмачасини босди-да, котибани чақирди, унга ҳоким муовини А. Абдувалиев хонасини кўриб келишни буюрди.

— Йўқ эканлар, — деди зум ўтмай котиба қиз.

— Унда пастни қара, ҳу нариги томонларни қара, югур, кетиб қолмасин, тез бўл, — деди яна К. Мавлонов котибасига.

Орадан кўп вақт ўтмади, эшик яна қия очилди.

— Йўқ, ҳамма томонни кўрдим, йўқ, — деди тажанг бўлиб котиба ва эшикни шартта ёпди.

— Оббо, энди нима қилдик, яхшиси, бошқа кунга қолдирсак-чи, — дея рақамларни териб, кимнидир топишга уринди.

— Бундай ҳолда Тошкентга қайтиб кетишга тўғри келади, — деб менга мурожаат қилди шеригим.

(Давоми 2-бетда)

«Ҳуррият»ни самода ҳам ўқишмоқда



2003 йил давомида «Ҳуррият» «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси самолётларида йўловчиларнинг энг яқин ҳамроҳи бўлади.

Санъат

Катэ ДАНИЭЛА:

«ЎЗБЕК РАҚСЛАРИНИНГ ОШИҒИМАН»

Швейцариялик қиз санъатимизни ўрганиш учун тинимсиз изланмоқда

Мен Катэни илк бор бир танишимизнинг тўйида кўргандим. Тўкин дастурхон атрофидаги меҳмону мезбонлар орасида Кундуз Миркаримова ва бошқа ўзбек рақс санъати дарғалари ўтиргани боис швейцариялик қиз рақс ижро этишини эълон қилганларида эътиборни тортиш учун қилинган тадбир деб ўйладим. Аммо хорижлик қизнинг миллий мусиқамизга тушган рақсини томоша қилиб, унинг юзакиликдан мутлақо йироқ, ҳар бир ҳаракатни қўшиқ матни ва мусиқага монанд амалга ошираётганини кўриб ҳайратландим.

Катэни яхши таниганлардан унинг кимлиги, юртимизга қачон келгани, рақсларимизни қандай қилиб бу қадар теран ўрганганини сўрадим. "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси ижрочи директори Насибахон Усмонова Катэни анча яхши билибгина қолмасдан, у билан дугона ҳам экан. Насибахондан Катэни "Олтин мерос" жамғармасига суҳбатга таклиф этишни сўрадим.

Орадан бирор ой ўтгач, Катэ телефон орқали суҳбатга тайёрлигини айтди.

Катэ келгунча унинг бу ердаги фаолияти ҳақида ўзимча фикрлаб, шарқона экзотиқага ўч бир европалик қизалоқнинг ўткинчи қизиқиши бўлса керак, деб тахминлар қилдим.

Аммо Катэ билан суҳбатимиз бу тахминлар нотўғрилигини кўрсатди. Мени даставвал унинг Ўзбекистонга, миллий рақсимизга, санъатимизга қизиқиши қай илдизларга бориб тақалиши қизиқтирарди.

— Мен Швейцарияда туғилганман. Отам анча йиллар Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида экспорт-импорт фирмасида ишлаганлар. Улар Ҳиндистондан кўплаб мусиқа ва қўшиқлар ёзилган пластинка ва кассеталар олиб келиб эшитардилар. Шарқона мусиқага қизиқишим дастлаб шундан бошланган, — деди Катэ суҳбат бошида.

— Крист Лангнлэ деган амаким бор эдилар. Шўро даврида бизда Марказий Осиёдаги туркий давлатлар ҳақида маълумотлар деярли учрамасди. Фақат бир гал ўзбекистонлик артистларнинг Швейцариядаги концертига гувоҳ бўлганман.

Амаким радио устаси бўлганиданми, уйғурча, ўзбекча қўшиқларни радиотўлқинлари орқали тутиб, уларни кассеталарга ёзиб олар, бу қўшиқларни тинглашни хуш кўрарди.

Рости, 70-йилларда Қашқарда ҳам, Хўтанда ҳам профессионал даражадаги кассета ёзувлари бўлмаган пайтда амаким уларни ёзиб, дўстларига тарқатиб юрганига гувоҳман. Бу қизиқиш менга ҳам юқди.

— Ўзбекистон ҳақида дастлабки тасаввурларингиз қандай эди?

(Давоми 4-бетда)

Ҳуснбузар

ТОШКЕНТ АНҲОРЛАРИ

улар бугун қай аҳволда?

Ёшлик чоғларимиздан шаҳри азим Тошкентнинг "Бўзсув", "Бўрижар" ҳамда "Қичқириқ" каналлари бўйларидаги табиат чиройидан баҳраманд бўлиб ўсганмиз. Тўғрироғи, бундан 30 йиллар илгари "Жунариқ" канали атрофидаги табиат гўзаллигига қараб тўймасди киши. Яқинда болалигим ўтган "Бўзсув" бўйида ҳордиқ чиқариб, ёшлик дамларимни эсламоқчи бўлдим. Эрта тонгда қўлимда китоб, қалинроқ кийиниб анҳор лабига тушдим. У ердаги ҳолатни кўрдим-у, авзойим бузилди. Сув лабида ахлат уюмлари, темир-терсак дейсизми, эски кийим-бошу пойафзал, ҳаммасидан топилади. Шундоққина сув юзида эса елим идишлар сузиб юрибди. Ишонасизми, азбаройи хафаликдан кўзларимдан ёш келди ва шу ондаёқ хаёлимдан: шу кетишда кетса, яна 25-30 йилдан сўнг қандай аҳволга тушамиз? деган савол ўтди.

Мана биз Шайхонтоҳур туманидаги Сойиб Хўжаев номли кўча этагидан оқиб ўтаётган Кайковус анҳори ёқасидамиз. Унга қараб ҳар қандай кишининг тепа сочи тикка бўлиши аниқ. Соҳилнинг икки томонида ахлат уюмлари тўпланиб ётибди. Шу пайт канал ёқасидаги хонадондан ёшгина бир йигит чиқиб келди.

— Ҳар куни кеч бўлиши билан кимдир аравада, аллакимлар машинада канал ёқасига ахлат келтириб ташлашади. Бир неча марта ҳашар уюштириб, анҳор четлари ахлатдан тозаланди. Бир ҳафта ўтмасданоқ, яна шу аҳвол. Нима қилишга ҳайронмиз, — дейди у куюниб.

Биз билан ҳамроҳлик қилиб юрган Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг мутахассиси Жаҳонгир Мирзамуҳамедов бу борадаги ўз фикрини қуйидагича баён этди:

— Мазкур канал ёқасини ҳар ойда тозалаб турамиз. Айниқса, пишиқчилик пайтида бу ердан тараладиган қўланса ҳидга чидаб бўлмайди. Неча марталаб тупроқ келтириб, ахлатхонани кўмиб ташладик. Шу кетишда яқин уч-тўрт йил ичида Кайковус каналининг ярми кўмилиб кетса керак.

Усмон Юсупов кўчасидаги Лабзак, Кохота ҳамда Тахтапул маҳаллалари ҳудудидаги Кайковус канали ёқасидаги майдонда ҳам худди шундай аҳвол.

— Шу атрофда яшайдиганларга оқар сувга ахлат ташламанг, деявериб чарчадик, — дейди Тахтапул маҳалласи оқсоқоли Суннат ака Азимов. — Тўғри, Шайхонтоҳур туманидаги "Махсустранс" автокорхонасига ҳар ойда 600 минг сўм ўтказиб турамиз. Лекин шунга қарамай, чиқинди олиб кетадиган машина таъминотида узилишлар бўлиб турибди. Бунинг устига айрим канал бўйида яшайдиган хонадон эгалари чиқинди сувларини шундоққина каналга оқизиб қўйишибди.

Дарҳақиқат, Сойиб Хўжаев номли кўчанинг 46-а хонадонида истиқомат қилувчи У. Ҳайдаров, 45-хонадон соҳиби Х. Акромовлар уйлари ёнидан канализация шахобчаси ўтган бўлишига қарамай, чиқинди сувнинг нишабини оқар сувга киши билмас қилиб тўғрилаб қўйганликларини нима билан оқлаш мумкин?

— Усмон Юсупов номли кўча ёқасидаги ахлатхонага айланиб қолган 200 квадрат метр келадиган майдон маҳалла қўмитаси ихтиёрига берилганида, айни муддао бўларди, — дея сўзини давом этди Суннат ака Азимов. — Анҳор ёқасидаги шу жойни машина тўхташ жойими ёки маҳалладошлар учун кичик бозорча қурилсагина ахлатхона балосидан қутилиш мумкин.

Собир Раҳимов туманидаги Чиғатой каналида бўлганимизда бундан-да баттар аҳволнинг шоҳиди бўлдик. Бу ердаги "Чаманнор" кўчасидан оқиб ўтадиган Чиғатой каналидан кўпчилик хо-

(Давоми 4-бетда)

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Лойиҳа

ҲИМОЯЛАНИШ ҲУҚУҚИ

Адвокатлардан бепул фойдаланиш мумкин

Тошкент шаҳар Адвокатлар ҳайъати хайрли ишга қўл урди: "Ҳибсга олинган пайтдан ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш" мавзуидаги муҳим бир лойиҳа устида иш олиб борилаётир. Очиқ Жамият Институти — Кўмак Жамғармаси эълон қилган грант асосида амалга оширилаётган лойиҳанинг умумий суммаси 25000 АҚШ долларини ташкил этади. Биласиз, юртимизда амал қилаётган қонун ҳужжатларида жиноятчиликда гумон қилинган ҳар қандай шахс ҳибсга олинган заҳотиёқ ҳуқуқий ҳимоя билан, тўғрироғи, адвокат ҳимояси билан таъминланиши кафолатланган. "Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас", деб дарж этилган Конституциямизнинг 25-моддасида. "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида"ги халқаро Пактнинг "Эркинликка ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқ" деб номланган 9-моддасида ҳам бу ҳуқуқлар кафолатланган. 1966 йилда қабул қилинган мазкур халқаро Пактга Ўзбекистон Республикаси 1995 йил 31 августда қўшилди ва у Ўзбекистон ҳудудида 1995 йил 1 декабрдан эътиборан кучга кирди. Демак, юртимизда фуқароларнинг эркинликлари ва шахсий дахлсизликлари кафолатланиши ҳам маҳаллий, ҳам халқаро қонун ҳужжатларида қайд этилган экан, бу мавзудаги лойиҳа устида иш олиб боришдан муддао не? деган савол туғилиши табиий, албатта.

Тергов ва суд жараёнларида адвокатларнинг теппа-тенг иштирок этиши қонунларда кўрсатиб ўтилган. Лекин шунга қарамай, тан олиб айтиш керакки, бу соҳада адвокатларнинг эркин фаолият юритишига жиддий тўсқинлик ҳолатлари ҳам учраб тургани сир эмас. Кўпгина ҳолларда эса ҳибсга олинувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи бузилмоқда. Бунга бир томондан, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари сабаб бўлса, иккинчи тарафдан ҳуқуқий ҳимояга муҳтож бўлган шахснинг адвокатнинг хизмат ҳақини беришга қурби етмаслиги ва ҳоказо сабаблар мавжуд. Бунинг оқибатида ўз-ўзидан адолат мезони бузилмаслигига, ҳибсга олинган шахснинг ҳаққоний айбланишига ким ҳам кафолат бера оларди? Шу каби муаммоларни бартараф этиш, пулли хизматга қурби етмайдиган шахсларга енгиллик туғдириш мақсадида Тошкент шаҳар Адвокатлар ҳайъати юқорида тилга олинган лойиҳа асосида бепул ҳуқуқий ҳимоя хизматини йўлга қўйди. Бу ҳақда батафсилроқ маълумот беришини сўраб, Адвокатлар ҳайъати раиси Гулнора Эшонхоновага мурожаат этдик. У киши бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

— *Қонунлар ижроси борасида оқсаш, сусткашлик ҳолатлари ҳам кузатилаётгани сир эмас. Бундай ҳолмана шундай ҳолатлар туфайли адолатсизликка кўп бора йўл қўйиляпти. Биз бу ҳолни имкон қадар бартараф этиш мақсадида мазкур лойиҳани амалга оширишга киришдик. Шу йилнинг апрель ойида бошланган лойиҳа асосидаги ҳаракатларимиз 2004 йилнинг апрелигача давом эттирилиши кўзда тутилган. Лойиҳани амалга оширишда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турувчи 65 нафар адвокат ўтказилган танлов асосида танлаб олинди. Улар лойиҳа шартларини бажонидил қабул қилишди. Ҳуқуқий ҳимояга эҳтиёжи бор ва умуман барча-барча одамларнинг адвокатлар рўйхати билан танишиб чиқишлари учун уларнинг исм-фамилиялари, телефон рақамлари (уй, иш, уяли, пейджер) рўйхати ёзилган плакатлар, буклетлар тайёрладик ва уларни аҳоли ўртасида тарқатиш ишларини олиб бораяпмиз. Ҳуқуқий ёрдамга эҳтиёжманд бўлганлар бемалол мазкур адвокатларга телефон қилишлари ва уларга вазиятни тушунтиришлари мумкин. Телефон қўнғироқларини истаган вақтда амалга ошириш мумкин, ҳатто дам олиш кунларидаям. Адвокатларимиз бажонидил ёрдам кўрсатишга, ҳимоя қилишга ҳаракат қилишади. Бундан ташқари, лойиҳани амалга оширишда Америка Юристлар ассоциацияси ҳамда ИИВ Тергов Бош бошқармаси раҳбарлари билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз. Фаолиятимизни тарғиб-ташвиқ этишини кўзда тутиб, "Адвокат" номли янги журнал чиқариш ниятидамиз.*

Мана яқинда лойиҳамиз ҳақида маълумот бериш, ундан инсон ҳуқуқлари фаолларини хабардор этиш мақсадида Freedom House нодавлат-нотижорат инсон ҳуқуқлари ташкилотида учрашув ўтказдик. Унда бир қатор ҳуқуқшунослар, адвокатлар, инсон ҳуқуқлари фаоллари иштирок этишди. Амалга ошираётган лойиҳамизнинг бугунги кун учун нақадар долзарб ва муҳимлигини алоҳида таъкидлашди иштирокчилар. Бундан ташқари, Америка Юристлар ассоциацияси билан биргаликда адвокатларнинг билим ва тажрибасини бойитиш, касбий маҳорат сирларини ўргатиш мақсадида бир қатор тренинглар ўтказаяпмиз. Муддао битта: юртимизда фуқароларнинг дахлсизлик ҳуқуқини таъминлаш, ҳуқуқий хизмат кўрсатиш ва, асосийси, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатура органлари ролини ошириш.

Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

АГАР СИЗ ҲИБСГА ОЛИНСАНГИЗ...

Сиз:

- нима учун гумон қилинаётганлигингизни, ҳибсга олинишингиз сабабларини билиш;
- кимгадир ҳибсга олинганингиз ҳақида хабар бериш;
- шахсан ўзингиз ёки яқинларингиз танлаган ёки давлат томонидан тайинланган адвокат томонидан ҳуқуқий ёрдам олиш;
- ўзингизга қарши кўргазма бермаслик;
- тиббий ёрдам олиш

ҳуқуқларига эгасиз.

Ушлаб туриш муддати 72 соатдан ошиши мумкин эмас. Мазкур муддат ўтиши билан Сизга ё айб эълон қилишлари ёки Сизни озод этишлари лозим.

Ҳамкорлик

МИҚДОРИ КЎПАЙДИ

Ҳозирги кунда шаҳримиз кўчаларида ҳавас қилса арзигулик Mercedes-Benz русумидаги автобусларни кўриб беихтиёр кўзингиз қувонади. Ана шу автобуслар миқдори шу кунга довур 278 тани ташкил этарди. Эндиликда улар сафига яна 300 та O 345 Conecto русумидаги автобуслар қўшиладиган бўлди. Шу пайтгача Тошкент шаҳрига келтирилган бундай автобуслар кўрсатган хизматдан аҳоли мамнун эканлиги ва уларнинг чидамлилиги, унча-мунчага бузилмаслиги каби бир қатор ижобий натижаларни ҳисобга олиб, 2002 йилнинг апрель ойида O 345 Conecto русумидаги 300 та автобус харид қилиш тўғрисида муҳим шартнома тузилган эди. 2002 йилнинг 24 сентябрида Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мазкур 300 автобусни сотиб олиш ҳақидаги Қарорига имзо чекди. Шундан сўнг автобусларни Тошкентга етказиб келтириш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар кўрилди. Ва, ниҳоят, 2003 йилнинг 24 апрелида Mercedes-Benz автобусларининг бир гуруҳи Тошкентга келтирилди. Бу автобуслар 4-5 май кунлари ЕТТБнинг пойтахтимизда бўлиб ўтган XII йиллик анжумани иштирокчиларига намунали хизмат кўрсатди. Автобуслар хизматини банкир меҳмонлар юқори баҳолаганди ўшанда.

Ўтган ҳафтада эса муҳташам Silk Road Dedeman меҳмонхонасида шартнома бўйича келтирилган яна 100 та O 345 Conecto русумли автобусларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда "Тошшаҳарйўловчитранс" раҳбарлари, Германия ва Туркиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчилари, "Эва Бус ГмбХ" фирмаси ҳамда "Мерседес-Бенц Турк АШ" вакиллари, журналистлар, транспорт соҳаси ходимлари иштирок этишди. Маросимда бу каби ҳамкорлик алоқалари келажакда ҳам давом эттирилиши, бундан икки томон ҳам манфаатдор эканлиги алоҳида таъкидланди. Айтиш керакки, бу автобуслар Mercedes-Benz технологияси асосида Туркияда ишлаб чиқарилган ва Тошкентга келтириш учун нақ 5000 километрдан зиёдроқ масофани босиб ўтишган.

Ҳозирда қатновда бўлган Mercedes-Benz автобуслари 1 млн. километрдан ортиқроқ масофа босиб ўтди. Қизиғи шундаки, бу йўлни босиб ўтган автобусларнинг двигателлари бирон марта бўлсин, таъмирталаб бўлмаган. Бу шуни кўрсатадики, одамлар анча тирбанд бўладиган Тошкент шароитидаги жамоат транспортларига мана шундай юқори технология маҳсулотлари жуда зарур.

Йўловчи БОЛА

Оғриқ

"РУСЧАНИ БИЛМАСАНГ, СЕНГА НИМА БОР?!"

Бу гап бундан ўн-ўн беш йиллар аввал, яни совет давридамас, балки айни шу кунларда; боз яна қандайдир кўча ёки бозордамас, давлат идорасига тегишли жойда, қанақадир безори ёки маст-аластнинг эмас, балки давлат идораси ходимининг, аниқроғи, Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИБ Хорижга чиқиш-келиш, ва фуқаролик бўлимининг Юнусобод массиви 17, 18 ва 19-кварталлар бўйича шахобчаси ходимаси Арофатхон Валиева оғзидан чиққанига дастлаб ишониш қийиндай...

Бўлиб ўтган воқеага тўхталсак.

Бундан бир неча ойлар олдин оила аъзоларим — умр йўлдошим ва тўрт фарзандимни Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтказиш учун керакли ҳужжатларни тўплаб, тегишли идораларга топширдик. Орадан бир неча ой ўтгач, 2003 йилнинг 6 июнида Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги махсус комиссия оила аъзоларимнинг Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда туришларига розилик билдирди. Яъни оилам учун "прописка" масаласи ҳал бўлди. Энди фақатгина яшаб турган жойимиздаги тегишли паспорт столида сўнгги ҳужжатлаштириш ишларини амалга ошириш қолди.

2003 йилнинг 16 июль куни умр йўлдошим Дилбар Ҳамзаева тегишли ҳужжатларни олиб, Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИБ ХЧКФ бўлими 17, 18, ва 19-кварталлар бўйича шахобчасига олиб боради, навбати етгач, Арофат Валиеванинг ҳузурига киришга муваффақ бўлади. Аммо негадир "нерви" чиқиб турган опахонимиз аввал тўнғиллайди, сўнг аризани ўзбек тилида эмас, балки рус тилида ёзишни талаб қилади. Ҳақиқатдан ҳам рус тилини билмайдиган рафиқам (билгандаям майли эди) "мен рус тилини билмайман, аризани ўзбекча ёза қолай", дейди. Опахон ахийри портлайди: "Русчани билмасанг, нима бор сенга?! Юравермайсанми ўзбекчангда гапириб..."

Рафиқам вазиятни чигаллаштириб ўтирмай, аризани ўша ердаги бир русча намунадан кўчириб, рус тилида ёзишга мажбур бўлади ҳамда тегишли ҳужжатларни топшириб, қайтади.

Бу гапларни эшитиб кулишниям, куйишниям билмай қолдим. Биз қайси замонда ва қайси мамлакатда яшаяпмиз ўзи?! Ўзбекистон мустақиллигига ўн икки йил ва ўзбек тилининг давлат тили мақомини олганига эса қарийб ўн тўрт йил тўлаётган бир пайтда, давлат хизматчиси бундай гап айтишдан уялмайди. Кираверишдаги йўлак деворлари ва хизмат хонаси эшигидаги ёзув ва эълонларни намойишкорона рус тилида ёзиб қўйган давлат идораси ходимаси шу тилни билмайдиганларга аризани мажбурий равишда ўзга забонда ёздириши қайси мантиққа тўғри келади? Давлат номидан гапирувчи ва иш кўрувчи давлат идораси ходимаси рус тилини билмайдиганларнинг пойтахтда яшамасликларини тавсиягина эмас, балки талаб қилди.

Шу ўринда бир неча ҳақли савол туғилади.

Нега ҳанузгача айрим давлат идораларида, хусусан, фуқаролик масалалари билан шуғулланувчи ташкилотларда давлат тили тўғрисидаги қонунга тўла риоя қилинмаяпти? Асосан, мурожаат қилиб келган кишилар, яъни аҳоли билан ишловчи бундай идора ва ташкилотларда давлат тилини билмайдиганларга ўрин борми?! Ўзбек тили давлат тили ҳисобланувчи Ўзбекистон Республикасида шу республика фуқароларини, айниқса, рус тилида ариза ёзишга мажбурлаш давлат тили ҳақидаги қонуннинг қай бир бандига тўғри келади?

Ахир рус тилини билмаганлар Тошкентда яшамасин деган қонун-қоида йўқ-ку?!

Бундай ҳолатларга биринчи марта дуч келмаётганимиз, тилимиз ва, демакким, миллатимиз, қолаверса, Конституциямизга нисбатан бундай муносабат бошқа идора ва ташкилотлар тизимларида ҳам учраб турганини ҳисобга оладиган бўлсак, ўз-ўзидан яна бир савол ҳам туғилади: бу ҳолат қачонгача давом этади?

Олимжон ШОКИРОВ

Туйғу

СОҒИНЧ

Ҳар қандай соғинчнинг ўз ўрни бор. Бироқ Ҳаққа бўлган соғинч ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бундай ҳолат ҳар кимда рўй бериши мумкин. Фақат Уни билишга ақлимиз ожиз.

Бу соғинч ўз аслига қараб интилаётган руҳнинг соғинчи. Тасаввуфдаги нафс тарбияси бора-бора руҳни поклайди. Инсоннинг руҳи қанчалик покланса, у ўша соғинчнинг нима эканлигини англай боради.

Ўз ҳолатларимизга бефарқ бўлмайлик. Зеро, бу соғинч ҳаммага берилган. Уни излаб топиш эса ўзимизга боғлиқ.

Вужуд қалъасида бир соғинч яшар,
Гоҳида билинар, гоҳида ғойиб.
Қўрқаман йўқотиб қўйишдан — кейин —
Ундайин соғинчни қайдан топаман.

Яна ғойиб бўлди руҳим паришон,
Излашга тушаман топсамки шояд.
Фарёдим самога етиб боради
Ул гизли соғинчим қайга кетади?

У қандай соғинчки, соғинганим ким,
У қандай соғинчдир, Уни қўмсайман.
У қандайин соғинч, йўқотсам гўё —
ўлганман, гарчи тирик эсам-да.

Изтироб кемирар қалбимни чунон
(Мосиво тарк этар вужудни бир-бир).
Соғинчим келади — ҳаёт ўзгача
Соғинчим келади — МОҲИЯТ шудир.

Лола НАСРУЛЛОҲ

КИМНИНГ ҲУЗУРИГА БОРДИК-А?..

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

К. Мавлонов шу гапни кутиб турган эканми, болакайлардек қувониб кетгандай бўлди. Бироқ тумандаги аҳвол билан танишиб, ислоҳотларнинг амалга ошишини кўрмасдан кетолмайдигандек:

— Унда марказий шифохонага бора қолайлик, — дедик биз.

— Уларни ҳам комиссия босган, — деди ходим муовини Каримқул Мавлонов, — комиссиябозлик кучайиб кетди, комиссиядан қўлимиз бўшамаяпти, ҳар куни комиссия. Нима иш қилишимизни билмай қолдик.

— Туман аҳолисига савдо хизмати кўрсатиш борасида вилоятда яхши гаплар юради, шу тармоқ ходимлари меҳнати билан танишайлик унда, — деймиз яна К. Мавлоновга.

— Савдо хизмати менга қарамайди, ҳоким муовини Мадамин Мақсудов зиммасида. У киши билан гаплашиш керак, — деди яна муовин.

Қизиқ! Униси бўлмаса, буниси ҳал қилолмас экан-да. Ҳайратдан ёқа ушлаймиз, мужмал жавоблардан энсамиз қотади, ҳадеб чой узатиб, "Эрмак-да, ичиб ўтиринглар", дейишидан бироз хижолат тортгандай бўламиз.

Ва ниҳоят:

— "Ҳуррият" газетаси туманга келадими, обуначилар борми? — деб ҳоким муовинидан сўрадик.

— ...

У жим эди. Жавоб ололмадик. Гап бошқа мавзуга бурилди.

Ҳоким муовинининг бу ҳолати бизни тааҗжубга солди. Бу ҳам майлику-я, ишлари кўп ҳоким муовини К. Мавлонов бизнинг бирор-бир муассаса ёки ташкилотга боришимизни хоҳламаётгани, қайтиб кетишимизни жуда-жуда ҳам хуш кўраётганининг замирида нималар бор эканлигини сира ҳам ақлга сиғдиролмас эдик.

Турсунали УСМОНОВ
Бекобод тумани

ТАҲРИРИЯТДАН: Жамоатчи мухбиримизнинг бу мақоласини эълон қилмаслигимиз ҳам мумкин эди, бироқ жойларда ОАВ ходимларини хушламай кутиб олиш, уларни "бегона" одам сифатида қабул қилиш ҳоллари тез-тез учраётгани ҳақида маълумотлар кўпайиб бораяпти. Ҳолбуки, матбуот ҳақида қабул қилинган қонунларда тегишли ваколатга эга бўлган журналист ҳар қандай шароитда ахборот тўплаши мумкинлиги кафолатланган. Бу талаб унутилганда муқаддас Қонунларимизга ҳурматсизлик кўрсатилганини баъзи раҳбарлар эсда тутишлари лозим.

Аҳвол

НАВОИЙНИНГ

Буюк шоир асарларининг 20 жилдлиги нашр этиляпти. Лекин...

Навоий...

Миллатимиз қуёши, барча туркий халқларнинг буюк шоири.

Шеърий тафаккури (ўз икрорига кўра) шу даражада олийки, кўнглига қандай фикр келса, ўша оннинг ўзида у тилидан шеър бўлиб қуйилган. Лекин бу шунчаки назм эмас, ҳатто бирон-бир маънони гўзал ифода этган ажиб ва нажиб шеърлар ҳам эмас, балки ҳар байти бетакрор ва мукаммал ифода топган фалсафий шеърият!

Нафақат лирикаси, балки улкан "Хамса"даги, бошқа асарларидаги қарийб ҳар бир байт нелигини ва қайдан келганлигини тушунтириш амри маҳол бўлган илоҳий бир файз нуридан бахравор. Ижоди бунчалик кўламли шоир эса дунёда кўп эмас...

Буни ҳаммадан яхшироқ англаган ва Оллоҳ инъом этган истеъдодни юксак қадрлаган одам ҳам яна Навоийнинг ўзи эди: "Умидим улдур ва хаёлимга андоқ келурким, — деб ёзади мутафаккир, — сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай..." Бу бениҳоя улуғ истак эди ва у нимаси биландир (балки услуби) Сулаймон алайҳиссаломнинг Оллоҳдан: "Ё тангрим, менга мендан кейин ҳеч кимга муяссар бўлмайдиган бир давлат ва салтанат бергил", деб қилган илтижосига ўхшайди. Ҳасти Сулаймон каби, Навоийнинг бу астойдил тилаги ҳам ижобат бўлган экан: орадан неча юз йиллар ўтди, аммо Навоий сўзининг мартабаси ҳамон мислсиз юксакликда барқарор — Бобур ёзганидек, "То туркий тил била шеър айтибдирлар, ҳеч ким онча кўб ва хўб айтқон эрмас"...

Тарихда илк бор Навоий асарларининг 20 жилдлиги нашр этилаяпти, бу иш поёнига етай деб қолди. Шу муносабат билан ҳали кўп устозларнинг мақолаю тақризларини ўқиймиз, уларда мазкур нашрнинг миллий маданиятимиз тарихида нақадар шонли воқеа эканлиги батафсил уқтирилажак.

Албатта, ушбу йигирма жилдликнинг аввалги нашрлардан талай афзалликлари бор. Биринчидан, улуғ мутафаккирнинг куллиёти ҳеч қачон шунча жилдда тажассум топган эмас эди. Ҳозиргача бирон-бир тўпламга киритилмаган ёки аввалги нашрларда замон тақозосига кўра қисқартириб тақдим қилинган кўп асарлар илк бор тўлиқ жамланган.

Иккинчидан, аввалги нашрларда "ўтиб кетган" кўпкўп матний, имловий ва техник нуқсонлар бартараф бўлган. Биргина мисол: "Хамса"нинг 1958 йилги нашрида вазнни бузишга олиб келган қўпол имловий хатолар, бобларни рақамлашдаги палапартишликлар тузатилиб, муратаб ҳолга келган.

Ва ҳоказо.

Каминангиз навоийшунос эмас, Навоийни тушуниши Навоийга эътимодидан анча қуйи турадиган бир ихлосманд, холос. Бинобарин, ушбу нашрнинг барча аълою авсат жиҳатини кўрсатишни зиммага ололмаймиз.

Фақат... Мен Навоий асарлари мунчалик ғарибона нашр бўлади, деб ҳечам ўйламаган эканман. "Хўш, Навоий асарлари қанақа чоп этилишини истардингиз", дейсизми?

2001 йилда Эрон элчихонаси Миллий кутубхонамизга Ҳофизнинг Эронда чоп этилган девонини ҳадя қилганди. Ана нашр! Китоб бетимсол нақшлар билан безалган қаттиқ ғилофга солинган. Ғилофдан олиб, ҳулладай оппоқ ва нафис қоғозга босилган ғазалларни ўқир экансиз, хаёлингиз шошади: ҳар бир ғазал алоҳида саҳифада, нозик настаълиқ хатида битилган. Матн атрофида эса соҳир мўйқалам усталари нафис ранглар ила чизган оҳулар, кабку товуслар, жаннатий чечаклар, қўйинг-чи, ҳулё янглиғ хаёлий расмлар! Бундай китобни дунёнинг исталган бир бурчига ғурур билан олиб бориш, ҳар қандай олим ёки давлат арбобига тақдим этиш, эвазига бир олам ҳайратга гувоҳ бўлиб, таҳсин ва тасанно эшитиш мумкин. Ўз шоирини бу қадар эъзозлаган халққа ҳурматинг янада ошиб кетади кишининг!

Навоийнинг 20 жилдлиги ҳам талай олимлар, матншунослар, муҳарриру ноширларнинг зўр меҳнати билан юзага чиққан, албатта. Ундаги айрим нуқсонларга келсак, шуни айтиш керакки, тўла асарлар тўплами чиқариш маданияти бизда ҳали мундайроқ, тажриба ҳам камроқ. Буни-ку, тушунса бўлади. Аммо миллий ғурурнинг, масъулиятнинг етишмаслиги, фидойиликнинг йўқлиги ҳаммасидан ўтиб тушадики, бунинг сабабини тушуниш қийин.

Баъзи дидсиз сатангларга кўзингиз тушгандир: битта жемперининг нечта тугмаси бўлса, ҳаммасининг ранги атайин ҳар хил — оқ, қора, кўк, қизил, пистоқи... Навоийнинг ҳозирга қадар чиққан 19 жилдини китоб жавонига шундоқ тахласангиз, бояги жемпер эсга келади — муқовалари жигарранг, яшил, оқ, сариқ, кўк ва яна аллатовур тусларда. Китоб токчаси олабула бўлиб кетади. Негаки, нашриёт қачон, қанақа муқова топса, шунга ўраб чиқаравераверган. Бор-йўғи 7500 нусхадан чоп этиладиган бўлса, 20 жилд учун 150 минг жилдга етарли бир тусдаги материал олиб қўйилса кифоя эди. Ҳатто ана шу элементар талаб ҳам ҳеч кимнинг эсига келмаган.

Бу — китобнинг сирти. Ичига келайлик. Муқова билан китоб орасига сарғиш-яшил қоғоз ёпиштирилган, унда — дидсизгина чизилган, ҳеч нарсани англатмайдиган бир нақшнинг ўта хира трафарети! Навоий тўпламини безашда бор-йўқ санъати шундагина кўринган мусаввир Б. Ҳайбуллин акамизнинг дидига саламлар айтиб, ноилож, китобни варақлашга ўтасиз.

Арзон қушнинг шўрваси татимас эмиш. Кейинги йиллар ноширлигимизда газета қоғозига китоб босишдай бемаъни бир амалиёт урф бўлиб, тобора авж олаяпти. Ахир, газета қоғози... ўз оти билан газета босиладиган қоғоз, янада тўғрироғи – газета босишга ҳам ярамайдиган қоғоз-ку! Энди тасаввур қилинг, юртимизда офсет қоғозга қирғин келиб, атиги икки китобга етгулиги топилса, унга босиладиган китоблардан биринчиси Қуръони карим маъноларининг ўзбекча таржимаси бўлса, иккинчиси ҳазрат Навоийнинг куллиёти бўлиши керак эмасмиди? Нима дейсизки, айнан шу икки табаррук китоб хира тусли, чиқинди қатори газета қоғозига босилди-да!

Ажаб, ҳали мактаб ё лицейда таълим олаётган, ўзи уч-тўртта китоб ўқимасиданоқ, отасининг сояси давлатида учинчи ё тўртинчи "заказной" китоби нашр этилаётган шоирачаларнинг "тўплам"и ё бўлмаса, "Дайди қизнинг дафтари" деганга ўхшаш номининг ўзиёқ ўқувчининг "иштаҳасини карнай қиладиган" китоблар оппоқ шойи қоғозларга чоп этилади, аммо Навоий асарларининг энг мукаммал тўплами энг номукаммал, энг хира, салга йиртиладиган, сарғиш ё кулранг тусли "газета қоғози"га босилади! Айрим жилдлар эса... шундай қоғознинг икки-уч хили билан олақуроқ бўлиб кетган.

Улар яхши қоғоз учун пул тўлаб қўйгандир-да, дейсизми?

Навоий марҳумнинг эса берадиган пули йўқ-да.

Эҳтимол, ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни ҳисобга олмай пичинг қилаётгандирмиз? Балли. Аммо Лев Толстойнинг 90 жилдлик "Тўла асарлар тўплами" 1928-1958-йиллар оралиғида нашр этилганини, бу даврдаги очарчилик, қатағон, II Жаҳон уруши ва унинг оқибатларини тугатиш даври азобларига қарамай, 90 жилднинг барчаси бир хил қора муқовада, аъло қоғозга босилганини жилдлиги чиқиши тўғрисидаги гап-сўзлар бу куллиёт чиқа бошлашидан беш-олти йил аввал пайдо бўлганди. Адабиёт аҳлининг ўшандаги ғурурини, янги нашрдан умидини қўяверасиз! Масалан, ўзим Навоий асарларининг замона талабларига кўра қайчилаб чоп этилган 15 жилдлигини дарров букинистик магазинга топшириб юборгандим. Қўлдан кетган китоб – отилган ўқдай, қайтариб олиб бўлмайди. Аммо агар иложи бўлса эди, мен мана шу йигирма жилдлик эвазига аввалги ўн беш томликни олишга рози эдим. Чунки у нашр эстетикаси ва техникаси, қоғоз сифати ва ҳоказоларга кўра 20 жилдликдан, шубҳасиз, афзал туради.

Албатта, "Фан" атайлабдан эмас, иложсизликдан – нашрга ажратилган пул миқдоридан келиб чиқиб иш кўрган.

Лоақал, юксак маънавий қадриятларимиз юки ортилган карвонларни "бозор иқтисоди" отлиғ сахронинг гирдибодлари, талотумлари изига ташлаб қўймаслик керакмиди, дейман.

Нашрнинг сифати паст, деяётган эканмиз, бу гап фақат нашриётгагина тааллуқли эмас. Ушбу XX жилдлик матншунослик нуқтаи назаридан ҳам муқовалари каби — олақуроқ. Бундаги катта-кичик нуқсонларни дарж этишга кининг оғирини ўз бўйнига оладиган, иш юзага чиққач эса "нашрга тайёрловчи" деган камсуқум мавқега эга бўлиб қоладиган камтарин олимларнинг ҳурматини жойига қўйишни қачон ўрганаркинмиз?

Мен таҳрир ҳайъатига бежиз осилаётганим йўқ. Гап шундаки, бу "ҳайъат" номигагина тузилган, ишламаган, ишлаган бўлса, асосий ишни қилмаган – Навоий асарлари матнини ҳозирги ёзувда қандай бериш принципларини белгиламаган. Эҳтимол, қоғозда бордир, аммо амалда — йўқ.

Ҳозир айрим таржимонлар бизга рус тилидан кирган "принцип" сўзини "тамойил" деб ишлатаяптилар. Бу жилла тўғри эмас (тамойил – тенденция), "тутуруқ" дейиш керак. Ана ўшанда принципсиз одам демоқчи бўлсангиз, тутуруғи йўқ, деб кетаверасиз. Узукка кўз қўйгандек бўлади. Мазкур нашрда ана ўша ту... кечирасиз, принцип йўқ. Исботи шуки, таҳрир ҳайъати I жилд сўзбошисида берган ваъдаларни кейинги жилдларга келиб «унутган». Унда Навоий лирикасини дастлабки жилдларда тўплаш ниятида бўлса керак, I-II жилдлар дастлабки икки девон – «Бадойиъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя», III-VI жилдлар «Хазойин ул-маоний», VII жилд «Девони Фоний» ва VIII жилд афсонавий пайғамбар", деб ёзилганига кўзим тушиб ажабланиб қолдим. Чунки динимизда барча пайғамбарлар таълимоти исломга мувофиқ бўлган, христианлик эса Исодан кейин ёйилган, деб уқтирилади. Сониян, Исони афсонавий (барҳақ эмас) деяроқ, изоҳ тузувчилар куфрга кетиб қолганини билишмайди шекилли.

Буям ҳолва экан. Шу изоҳдан кейин пайғамбаримиз ҳақидаги "Муҳаммад..." деб берилган изоҳ ҳам қип-қизил коммунистчасига бўлибдики, на айтгулиги бор, на битгулиги. Таҳрир ҳайъати, нашрга лоақал методологик раҳбарлик ҳам қилмагани кишини афсуслантиради.

Навоий нечта асар ёзган? Исталган одамдан, ҳатто мактаб боласидан сўраб кўрсангиз ҳам, ҳеч иккиланмасдан бир неча мингта, деб тўғри жавоб беради. Чунки туркий ғазалларининг ўзи 2600 нафар бўлса, мумтоз лирикасининг бошқа ўнлаб жанрларида ҳам қанчадан-қанча асарлари бор. Буёқда достонлар, рисолалар... Аммо баъзи Навоий билимдонлари шоир 43 та, бошқалари эса сал кўпроқ асар ёзган, деб айтадилар. Чунки... Навоий ўз асарларига шунча сарлавҳа қўйган эмиш. Вассалом! Бу гап тўғри бўлса, унда Шекспирнинг шунча сонети... битта асар бўлиб чиқадими? Атоий каби

Дараклар

ИЛҲОМ АЛИЕВ — БОШ ВАЗИР

Душанба куни Озарбайжон парламенти — Миллий Мажлисда мамлакатнинг янги Бош вазирини тайинлаш юзасидан навбатдан ташқари сессия бўлиб ўтди. Унинг натижаларига кўра, ҳукумат Бош вазири лавозимини президент Ҳайдар Алиевнинг ўғли Илҳом Алиев эгаллади. Янги бош вазирнинг номзодини ёқлаб 102 депутатдан 101 нафари овоз берди. Бу ўз-ўзидан Озарбайжонда ҳукумат бошқарувининг монархия шаклига йўл очиб беради. Мамлакат қонунларига кўра, агар президент ўз вазифасини адо этиш имконига эга бўлмай қолса, давлат бошқаруви ўз-ўзидан Бош вазир қўл остига ўтади.

Навбатдан ташқари сессияни чақиришдан кўзланган мақсад нима бўлганини ҳатто депутатлар ҳам тузук-қуруқ билишмаган. Илҳом Алиев номзоди бир овоздан қўллаб-қувватланган. Бундан норози бўлган мухолифатдаги депутатлар парламент йиғилишига нисбатан бойкот эълон қилишган. "Ҳаммаси улар ўйлаганчалик кетяпти", дейди мухолиф депутатлардан бири мамлакатга ҳукмронликнинг ота Алиевдан ўғил Алиевга олиб берилиши ҳақида фикр билдираркан.

Шанба куни пойтахт Бокуда 1000 нафар мухолифат тарафдорлари президент Ҳайдар Алиевнинг соғлиғи ҳақида аниқ маълумот берилиши ва шу йил 15 октябрда бўлиб ўтадиган навбатдаги президентлик сайловига 3 нафар мухолифатдаги номзодларнинг рўйхатга олинишини талаб қилиб, норозилик намойиши ўтказишган. Бу номзодлар мамлаатнинг собиқ президенти Аёз Муталлибов, парламентнинг собиқ раҳбари Расул Гулиев ва президент котибиятининг собиқ бошлиғи Эльдор Намозовлардир.

Президент Ҳайдар Алиевнинг соғлиғи борасида ҳали ишонарлироқ маълумот йўқ ҳисоби. Бутун Озарбайжон давлат раҳбарининг саломатлиги хусусида сўнгги ахборот кутмоқда.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ШУБҲАЛИ ЎЛИМ

Жаҳонга машҳур Hyundai *компанияси етакчи раҳбарларидан бирининг мурдаси компания марказидан анча четроқ бир жойдан топилди. Компаниянинг Шимолий Корея билан ҳамкорлик қилувчи* Hyundai-Asan *бошқармасининг етакчиси бўлган Чунг Монг Хун Шимолий Кореяга катта миқдордаги ноқонуний маблағ ўтказиб юборишда айбланаётган эди. Маҳаллий полиция вакилининг айтишича, Чунг* Hyundaiнинг *пойтахт Сеулдаги ўн икки қаватли муҳташам биносидан ўзини ташлаб юборган. Эслатиб ўтмиз, 55 ёшли Чунг июнь ойида уч йил муқаддам Шимолий Кореяни Жанубий Корея билан яраштириш мақсадида нақ 100 миллион долларни бу мамлакатга ноқонуний ўтказиб юборганликда айбланганди.*

ИРОҚДА КУРД ЕТАКЧИСИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

"Ал-Ҳарака ал-Исломия" курд ислом Ҳаракатининг маълум қилишича, Ироқда АҚШ ҳарбий хизматчилари Ҳаракатнинг маънавий етакчиси Али Абдул Азизни ҳибсга олишган. "Ал-Ҳарака ал-Исломия" вакилига кўра, Али Абдул Азиз Ироқ шимолидаги уйида яна 14 нафар маҳбуслар билан бирга қўлга олинган. Ҳаракат вакили америкаликларни мазкур ҳибс туфайли Ироқ озодлиги тарафдорлари ва Саддам Ҳусайн душманларига қарши чиққанликда айблади.

ФАЛАСТИНЛИК МАҲБУСЛАР ОЗОД ЭТИЛАДИ

Исроил ҳукумати қамоқда сақланаётган яна 400 нафар фаластинликни чоршанба, яъни бугун озодликка чиқаришини маълум қилди. Бу ваъда ва унинг ижроси "Йўл харитаси" режаси доирасидаги мажбуриятларни бажариш йўлидаги муҳим одим бўлиши қайд этилмоқда. Шуни айтиш керакки, озодликка чиқарилаётганларнинг аксарияти турли экстремистик гуруҳларнинг собиқ аъзолари ҳисобланади.

Фаластинлик маҳбусларни озод этиш масаласи Исроил ва Фаластин Ташқи ишлар вазирлари Сильван Шалом ва Набиль Шаатлар томонидан муҳокама қилинган эди. Ташқи ишлар вазирлари учрашгач, матбуот конференияси ўтказилди. Келишувга кўра, Исроил ҳукумати фаластинлик маҳбусларнинг дастлабки гуруҳини чоршанба куни эркинликка чиқаришга рози бўлди. Қолган маҳбуслар эса яқин ҳафталар ичида озодлик шабадасидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Сильван Шаломнинг музокараларда Фаластин томонини "хурсанд" қилганини Бош вазир Ариэль Шарон қўллаб-қувватлагани айтилмоқда манбаларда. Фаластинлик маҳбуслар бўйича Исроил Вазирлар Маҳкамасининг махсус қўмитаси йиғилишида қамоқдаги фаластинликларни озод этиш масаласи батафсил муҳокама қилинган. Қўмита аъзолари билан учрашган Шарон амнистия нафақат маъмурий, балки жиноий жазога тортилганларга нисбатан ҳам қўлланишини билдирди.

Маълумотларга кўра, Исроил қамоқхоналарида ҳаммаси бўлиб 6000 фаластинлик сақланмоқда. Гарчи вазият тобора юмшаб бораётгандек бўлиб кўринса-да, лекин ҳалиҳамон икки давлат ўртасидаги ихтилофларга барҳам бериб бўлмаяпти — аҳвол мураккаблигича қолаётир. Бунга фаластинлик ва исроиллик камикадзелар, жангари тўдаларнинг аҳён-аҳёнда амалга ошираётган отишмалари сабаб бўлмоқда. Масалан, якшанба куни кечқурун фаластинлик фуқаро томонидан Вифлеем — Иерусалим йўналиши бўйлаб ҳаракатланаётган машина ўққа тутилган. Натижада, исроиллик аёл, унинг 9 яшар қизчаси ва яна бир болакайга оғир тан жароҳати етказилган. Полиция ходимлари ва врачларнинг айтишича, аёл ниҳоятда оғир аҳволда. Кузатувчиларга кўра, Вифлеем йўли Исроил патруль хизмати ходимлари томонидан қўриқланса-да, аллақачон назорат Фаластин хавфсизлик кучлари қўлига ўтган.

ШИМОЛИЙ ОСЕТИЯДА МОТАМ КУНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Душанба куни Россия Федерациясининг Шимолий Осетия Республикасида миллий мотам куни эълон қилинди. Мамлакатнинг Моздок шаҳрида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракати натижасида ҳалок бўлганлар хотираси муносабати билан ҳукумат раҳбарияти шундай қарор қабул қилди. Шу боис барча кўнгилочар тадбирлар вақтинчалик тўхтатиб қўйилди.

Расмий маълумотларда 50 нафар инсон ҳалок бўлгани, 80 киши жароҳатлангани айтилади. Мамлакат хавфсизлик хизмати ходимларига кўра, 150 кишига мўлжалланган шифохона биносида содир этилган қўпорувчилик ҳаракати оқибатида бунданда кўпроқ инсонлар ҳалок бўлган бўлиши мумкин. Қурбонларнинг 3 нафари шифохона ёнидаги фабрика ишчиси бўлган.

Россия Президенти Владимир Путин Ш. Осетия президенти ва Россия Мудофаа вазири Ивановлар билан учрашиб, қурбон бўлганлар ва жароҳатланганларнинг оила аъзоларига 2 кундан кечиктирмай инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиши кераклигини алоҳида таъкидлади. Бу тадбир учун масъул шахслар тайинланди.

"Интерфакс" агентлиги Россия ҳуқуқ-тартибот органлари маълумотларига асосланиб, ушбу теракт буюртмачиси Шомил Басаев бўлиши мумкинлигини маълум қилган. Агентлик, хусусан, террорчилик ҳаракатини содир этишда қатнашган "КАМАЗ" машинасини террорчи камикадзега сотган шахс ҳам ҳибсга олингани ҳақида хабар тарқатди.

МАЙК ТАЙСОН ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗГА УЧРАДИ

Бокс бўйича оғир вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони Майк Тайсон АҚШ судига ўзининг ниҳоятда оғир иқтисодий танглика учраганини тасдиқловчи ариза билан мурожаат қилди. У ўзининг промоутери Дон Кингни судга берди.

Тайсоннинг айтишича, у 300 миллион доллар атрофидаги маблағни баъзи одамларнинг аҳмоқона маслаҳатларига амал қилиб, ҳавога совуриб юборган.

"Майк анчагина қўли очиқ, сахий одам, профессионал боксчиларга хос шуҳрат сабаблими, унча-мунча пулни бошқалардан аяб ўтирмайди. Лекин ҳозирда унинг қарзлари миқдори топаётган даромадидан ошиб кетмоқда. Шунинг учун у молиявий аҳволини тартибга келтириш ниятида", дейди Тайсоннинг адвокати Дебра Грассгрин.

GLOBUS
international life

37 ёшли Майк янги уйга эга бўлиш, Bentley автомобили сотиб олиш, қимматбаҳо заргарлик анжомлари ва ҳатто бенгал йўлбарсини харид қилиш учун анчагина маблағ сарфлаган.

Судда 100 миллион долларни топиш масаласи кўрилади. Боксчининг айтишича, 1995 йилда қамоқдан чиқиб келганидан кейин Дон Кинг уни лақиллатиб, миллион-миллион долларга "туширган".

Шу йилнинг бошланишида Тайсон собиқ хотини билан ажрашиш учун бўлажак даромадлари ҳисобилан 6,5 миллион доллар харажат қилишга розилик берганди. Энди эса иқтисодий танг аҳволда бўлишига қарамай бечора Майк ҳаётига яна бир муддат қамоқхона билан "сийланиш" таҳдид солмоқда. У безорилик ҳужумини уюштирганлик, шахсни беҳурмат қилиш ва жамоатчилик тартибини бузганликда айбланмоқда. Гап шундаки, Майк июнь ойида Бруклин шаҳридаги меҳмонхоналардан бирида икки нафар инсонни калтаклаган эди.

**Интернет хабарлари асосида
Мирза ҲАМДАМ ҳозирлади**

Таҳлил

"АЛ-ҚОИДА" АҚШГА ТАҲДИД СОЛДИ

Террор оламида Усама бин Ладендан кейин иккинчи ўринни эгаллаган "Ал-Қоида" ташкилотининг етакчиларидан бири мисрлик Айман ал-Завоҳирий Дубайдаги "Ал-Арабия" телеканали орқали АҚШ ва унинг иттифоқчиларига мурожаат билан чиқиш қилди. Аудиотасмага ёзиб олинган мурожаатга кўра, агар расмий Вашингтон Кубадаги Гуантанамо лагеридаги маҳбусларни суд ихтиёрига топширгудай бўлса, "сеҳрли диёр" фуқароларининг ҳаёти хавф остида қолиши мумкин. Завоҳирий АҚШ судидан адолатли ҳукм кутмаслигини маълум қилган.

Хабарларга кўра, Гуантанамо базасида "Ал-Қоида" ташкилоти ва Афғонистонда қўлга олинган толибонлардан иборат тахминан 620 нафар жангари сақланмоқда.

"Агар маҳбусларга бирон зиён-заҳмат етса, америкаликлар анча қимматга тушиши тайин. Мабодо АҚШ иттифоқчилари ёки умуман ким бўлишидан қатъий назар бизнинг жангарилар сирини ошкор қиладиган бирор-бир маълумот тарқатса, ҳолига маймунлар йиғлайди", дейилади мурожаатда.

Бу ал-Завоҳирийнинг кейинги пайтларда телевидение орқали дастлабки бор чиқиши эмас. Шундай мурожаатлардан бири май ойида Ар-Риёд шаҳрида бир вақтнинг ўзида уч жойда портлатилган бомба туфайли содир этилган террорчилик ҳаракатидан сўнг эфир юзини кўрган эди. Ўшанда ҳалок бўлган 23 кишидан 9 нафари америкалик эди.

Сўнгги мурожаатда АҚШ билан ҳамкорлик қилаётган давлатларга нисбатан жиддий таҳдид оҳанги яққол сезилиб қолди. АҚШ ва унинг иттифоқчилари ўзларини ҳимоя қилиш ҳақида жиддий бош қотиришлари кераклиги, йўқса ўзларига анча жабр бўлиши дўқ-пўписалар билан тушунтирилади мурожаатда.

Ал-Завоҳирий Усаманинг яқин маслаҳатчисигина бўлиб қолмай, балки унинг шахсий врачи ҳамдир. Илгарилари улар "Ал-Қоида" халқаро террорчилик ташкилотининг ҳарбий раҳбари Муҳаммад Атеф билан биргаликда телеканалларда кўриниш бериб қолишарди. Муҳаммад Атеф 2001 йил ноябрда Америка бомбасидан ҳалок бўлганди.

Кейинги пайтларда жаҳон матбуотида ал-Завоҳирийнинг "Ал-Қоида" ташкилотининг Эронда ҳибсга олинган фаолларига етакчи этиб тайинланажаги хусусидаги хабарлар тарқатилди.

Ал-Завоҳирий муқаддам бир неча бор ҳибсга олинган. У Миср қамоқхоналаридан бирида президент Анвар Садат ўлимига алоқадорликда айбланиб, уч йил "ўтириб" чиққан эди. 1996 йил 1 декабрда Россия чегарасини ноқонуний босиб ўтганлиги учун ҳибсга олинган эди. У икки нафар гумаштаси билан Судан фуқароси эканлигини тасдиқлайдиган қалбаки паспортлар ва чечен йўл бошловчиси билан қўлга олинган. Улардан катта миқдордаги валюта суммаси топилган ва тортиб олинганди.

Ал-Завоҳирий ўзини Амин фамилияси остида таништириб, Россия ҳукуматини лақиллатган. У ярим йил қамоқда сақлангач, озодликка чиқарилган.

Шодиёр НОМОЗОВ

Рақам

Энг, энг, энг...

* БМТ маълумотларига кўра, германиялик икки киши, япониялик ва швейцариялик уч киши, мексикалик ўн киши, хитойлик 16 киши, ҳиндистонлик 53 ва непаллик 1072 киши қанча энергия сарф қилса, америкалик бир киши шунча энергия сарфлайди.

* Аҳоли жон бошига ёғоч тайёрлаш бўйича Канада дунёда биринчи ўринда туради. Мамлакатда бир ярим мингдан ортиқ тахта тилиш заводи бор. Шунингдек, Канадада сайёрамиздаги энг катта қоғоз заводи ҳам ишлаб турибди. Бу юртда Ғарб давлатларида ишлаб чиқариладиган газета қоғозининг 40 фоизи тайёрланади.

* Дунё бўйича помидор, апельсин ва лимон етиштиришда — АҚШ, пиёз етиштиришда — Хитой, узум етиштиришда — Италия, банан етиштиришда — Бразилия, мандарин етиштиришда Япония биринчи ўринда туради.

* Жон бошига ҳисоблаганда, йилига Ҳиндистонда 1,5 кг, Афғонистонда ва Малида 0,1 кг қоғоз ишлатилади. Таққослаб кўринг: жаҳон миқёсида ўртача кўрсаткич — 45 кг. Финляндияда эса бу кўрсаткич 1400 кг га етади.

* Поездлар тезлиги бўйича жаҳон рекорди Францияга тегишли. Мамлакатда поезд тезлигини 1955 йилда — 331 км/соат, 1981 йилда — 380 км/соат, 80-йиллар охирида эса 515 км/соатга етказишга эришилган.

* Ла-Манш бўғозидан ҳар кеча-кундузда 500 та, Гибралтардан 200 та, Малакка бўғозидан 80 та, Босфордан 40 та кема сузиб ўтади. Ла-Маншнинг кафолатли чуқурлиги — 30-35 метр, Босфорники — 27 метр, Малакканики эса — 25 метр.

* Жаҳон бўйича юк ва йўловчи ташишда темир йўлларда — 200 мингга яқин вагон ва локомотивдан, 500 миллионга яқин автомобилдан, 80 мингдан ортиқ кемадан, 10 мингдан ортиқ самолётдан фойдаланилади.

С. САЛИМ тайёрлади

БЕНАВО НАШРИ

умр бўйи фақат ғазал ёзган шоирлар битта асар ёзган, холосми? Девон тузмаган шоир эса, юзлаб ғазали бўлса-да, битта ҳам асар ёзмаган бўладими?

Бизнингча, ҳар бир ғазал – мустақил бир асар. Рубоий, туюқ, мустаҳзод, мухаммаснинг ҳар биттаси алоҳида ижод меваси. "Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас..." билан "Оразин ёпқоч..." ғазаллари, гарчи битта девонда ёнма-ён келса-да, бошқа-бошқа асарлар.

Бу масалага бежиз тўхталмаяпмиз. Мукаммал асарлар тўплами деган мақомга эга нашрда ҳар бир мустақил асар алоҳида саҳифадан бошлаб чоп этилиши шарт. Рўдакийнинг "Осори мунтахаб" китобини кўринг — бирон ғазал ё қитъа қўлёзмаси ўчиб ё йиртилиб, бир-бир ярим мисраси қолган бўлса, ўша ҳам алоҳида бетда берилган. Аммо Навоий куллиётининг олти жилдида (жами қарийб 4000 саҳифа) бу жўнгина талабга риоя қилинмайди. Исталган бетни очиб кўрган одамнинг хайфи келади: ҳар бир саҳифада бир ғазалнинг "думи" – охирги икки-уч байти, кейин янги ғазал матни, ундан кейин эса учинчи бир ғазалнинг "боши" – дастлабки бир-икки байти келади. Ҳатто Навоий асарларининг диний ўринлари қисқартиб чоп этилган аввалги ўн беш жилдликда ҳам улуғ шоирга нисбатан бунчалик беҳурматлик ва бедодлик қилинган эмасди.

Эҳтимол, қоғоз тежаш учун шундай қилингандир?

Аммо қоғозни... Навоийдан, боз устига, "Мукаммал асарлар тўплами" эвазига тежаш керакми?

Хўш, унда нега айнан шу нашрда қоғоз исрофгарчилигига ҳаддан ташқари йўл қўйилади?

Фикримни исботлашга уриниб кўраман. Ойбекнинг шу нашриётда бундан аввалроқ чоп этилган 20 жилдлик "Мукаммал асарлар тўплами"нинг XX жилди адибнинг рус тилида ёзган асарларидан ташкил топган. Ойбекнинг ўзи рус тилида ёзгани учун уларда ҳам аслият – русча матн берилган, вассалом. Таржимаси йўқ. Мана шу ҳол "Мукаммал асарлар тўплами" учун тўғри. Аммо Навоийга келганда бошқача иш тутилган – форсий девон ва бошқа асарларнинг аслияти ҳам, унинг ҳозирги ўзбек тилидаги таржимаси ҳам асосий матн сифатида ёнма-ён саҳифаларда берилган. Илм учун – рус тили ҳам, форс тили ҳам бир хил мавқеъ тутиши керак эмасми? Оқибат, ҳажм икки баравардан ҳам ортиб, "Девони Фоний" бир эмас, икки жилдни ишғол этган. Бу – биринчи исрофгарчилик.

Иккинчиси ҳам бор: навоийшунослик бизда адабиёт илмининг анча ривожланган соҳаси — ўнлаб фан докторлари, юзлаб номзодлар Навоийнинг нонини ейди. Аммо таажжубки, бу соҳада энг зарур бир масалага қўл урилмаган экан: Навоийнинг икки девон ("Бадойиъ ул-бидоя" ва "Наводир ун-ниҳоя")даги барча асарларнинг кейинчалик тўрт девондан иборат "Хазойин ул-маоний"га киритганлиги ҳаммага маълум. Чор девон тузиш чоғида Навоийнинг ўзи аввалги икки достондаги асарларига оро берганини ҳам эшитганмиз. Аммо айнан қайси ғазаллар қай тахлитда таҳрир қилинганини, таҳрир кўламини ҳеч ким ўрганмаган экан. 20 жилдликнинг таҳрир ҳайъати ҳам "айрим шеърларда шоир томонидан қилинган тузатиш ва ўзгаришлар бўлиши мумкин" деган дудмол бир мулоҳаза билан кифояланади.

Мана шу дудмоллик оқибатида 20 жилдликда шоирнинг 1639 ғазали ва 300 га яқин бошқа жанрдаги асарлари — рубоийлар, муаммолар, фардлар ва б. икки мартадан босилган: 1-2-жилддаги барча ғазал ва бошқа лирик асарлар 3-6-жилдда такрор чоп этилган. Шу... тўғримикин? Бизнингча, қайси қўлёзма ёки қай бир нашрда қайси ўринда қандай матний фарқ борлиги кўрсатиб ўтилса, кифоя эди. Оқибат – "Девони Фоний"ни икки жилдга орттириш ҳисобига бир, "Бадойи ул-бидоя" ва "Наводир ун-ниҳоя"ни қайта босиш ҳисобига яна икки жилд орттирилиб, 17 жилдга бемалол сиғадиган Навоий асарлари сунъий равишда 20 жилдга етказилган. Навоий 17 жилд билан ҳам дунёнинг маҳаман деган улкан шоирлари қаторида тура олади-ку?!

Мукаммал асарлар тўплами – оммабоп эмас, илмий нашр. Ўта аниқ ва илмий жиҳатдан тўла асосланган бундай нашрда китоб асосий ҳамда ёрдамчи материал деган қисмлардан иборат бўларди. Муаллифнинг ёзгани асосий матнни ташкил этса, ундаги айрим изоҳлар, таҳрир вариантлари ёинки таржимаси ёрдамчи материал ҳисобланади. Бир асарнинг бир неча варианти ёки таҳрири мавжуд бўлса, у ҳолда муаллиф тириклигидаги охирги нусха – асосий, бошқа вариантлар ёки таҳрир этилган ўринлар ҳар бир жилд охирида илова сифатида берилади. Қайта ишлаш ёки таҳрирда асар тамомила ўзгариб, бошқа асарга айлангани (Ҳ. Олимжон "Зайнаб" очеркини қайта ишлаб, "Зайнаб ва Омон" поэмасига айлантиргани) ҳоллари, шунингдек, муаллиф томонидан йўл қўйилган такрорлар ҳам бундан мустасно (масалан, Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да бир воқеани икки ўринда келтиради). Аммо зинҳор бир асар битта нашрнинг турли жилдларида икки топқир босилмайди.

Шундай қилиб, дастлабки икки жилд тамомила беҳуда бир ишга – "Хазойин ул-маоний" таркибида тўлиқ мавжуд бўлган асарларни қайта босишга ажратилган. Агар бу ҳол тўғри, деб топилса, унда мантиқан, Навоийнинг дастлабки шеърлар тўплами адабиётшуносликда "Илк девон" деб аталадиган мажмуадаги шеърлар ҳам (учинчи марта!) қайта босилиши лозим бўларди. Ахир, Ғафур Ғулом ё Ойбекнинг "Мукаммал асарлар тўплами" нашр этиладиган бўлса, улар ҳаёт пайти чоп этилган жами тўпламларидаги барча шеърлар қайта-қайта босилмайди-ку?

Бу такрор, принцип нуқтаи назаридан хато. Аммо у, шу билан бирга, матншунослигимизнинг нақадар ожиз ва аянч ҳолатда эканига оина ҳам бўлиб майдонга чиқмаганида, индамаслик мумкин эди.

Гап шундаки, I ва II жилддаги жами 2000 га яқин асар кейинги тўртта жилдда ҳам мавжуд, аммо улардан биронтаси бекусур эмас — 1-2 ва 3-6-жилдларни ўзаро солиштирган одам минглаб, ҳа, айнан минглаб хатолар "ўтиб кетгани"га гувоҳ бўлади. Бир ғазалнинг икки матни орасида ўнга яқин сўз имлоси ва тиниш белгилари фарқли, хато ўқилган сўзлар, маънони қўпол бузишга олиб келадиган "топилмалар" бисёр...

Атайлаб ўткирроқ мисол топишда айбланмаслик учун "Ашрақат..." деб бошланадиган машҳур биринчи ғазални кўриб ўта қолайлик: мен I ва III жилдлар бошида берилган бу ғазалнинг икки матни орасида ўн тўртта фарқ санадим. Ҳар хиллик илк мисрадаёқ уч берган: **«анворул-худо»** – **«анворул-ҳудо»**. Борди-ю худо бериб, араб тилида ҳар икки сўз ҳам маъно англатадиган бўлса, унда кўринг томошани! **«Чеҳраи мақсуди» ва «Чеҳрайи мақсуд»** деган иккита сўзда бор-йўғи учта хато намоён

Навоий кейинги девонларни тартиб бераётганида айрим ғазалларга қалам урган бўлса бордир. Аммо бу таҳрирлар имлога оид бўлмаса керак? **«Зиҳи» деб ёзиш керакми, ё «зиҳе»? «Каби»** деб бериш тўғрими ё бўлмаса **«киби»?** Бу энди, боя айтганимиз – нашр принципларини белгилаш билан боғлиқ масала. Аммо у Криловнинг аравасига ўхшаб, ора йўлда сарсон: бир жилдга масъул Қўлёзмалар институти оққушга ўхшаб ҳавога тортса, бошқасини тайёрлаган Тил ва адабиёт институти чўртанбалиқ каби сувга интилади – икки жилдда икки принцип. Таҳрир ҳайъати эса каловланиб қолган қозининг ўзи: унга қараб ҳам **"Сеники тўғри"** дейди, бунга қараб ҳам.

Минглаб ўринда такрорланадиган яна бир хато қуйидагича: ўзбек тилида ҳам, тожикчада ҳам **"ки"** деган суффикс бор. Аммо грамматик ифодаси фарқли. Ўзбеклар **"Мен айтдимки, ..."** деса, тожиклар **«Ман гуфтам, ки ...»** дейди. Яъни, вергулнинг ўрни ҳар хил. Талаффузда урғу ўрни бўлак. Буни бериш тартиби ягона нашр ҳисобланмиш "Мукаммал асарлар тўплами"да ишлаб чиқилиши керак эди.

**Тоза ҳар ён доғ эмас жисмимда ул юз ишқидин,
Ким бу кавкабларға бўлмиш ул қуёшдин ихтироқ (I, 277).**

**Тоза ҳар ён доғ эмас жисмимда ул юз ишқидин
Ким, бу кавкабларға бўлмиш ул қуёшдин эҳтироқ (I, 277).**

Тиниш белгиси анчайин бир нарса эмас, нотўғри қўйилса, у бутун матн мазмунини, руҳини, ритмикасини ўзгартириб, бузиб юборади.

Принципсизликни принцип қилиб олган бу нашрда яна бир туркий-форсий ўзгачалик ҳам тафовут қилинмай, аралаш қўлланади: биласиз, ўзбеклар Абдураҳмон Жомий деб айтса, тожикларда бу Абдураҳмони Жомий бўлади. XX жилдликда эса... ҳар иккови ҳам кетаверади.

Мумтоз адабиёт намуналарини чоп этиш принциплари тўғрисида менинг фикрим бундай: бир асар эски ўзбек ёзувида бир хил битилган бўлса, ҳозирги ёзувда у бир хил шаклда акс этиши керак. Бир китобдаги "гунбаз" иккинчисида «гунбад» бўлаверса, ўқувчи чалғийди.

Тарди акс санъати билан йўғрилган "Кўзунг не бало қаро бўлуптур..." *ғазалини яхши биласиз. Унинг олтинчи байтида ғалати бир ўзгариш бор экан:*

**Боқий топар улки бўлди фоний,
Раҳравға фано бақо бўлуптур (I, 141).
Боқий топар улки бўлди фоний,
Раҳравға бақо фано бўлуптур (III, 145).**

Бу — жиддий, маънони ўзгартирадиган, бадиий санъатни йўққа чиқарадиган ҳол. Ва, бизнингча, "таҳрир" Навоий қаламига оид эмас. Ё қўлёзмани оққа кўчирган котиб ёки нашрга тайёрловчилардан бирининг айби билан юз берган. Ўқувчи булардан қайси бир жилдга ишониб, ёдлаши керак? Боз, 14 мисралик бу ғазал матнлари қиёсида 16 та фарқ бор.

Навоий айрим ғазалларини кейинчалик таҳрир қилганлиги факти нашрга тайёрловчиларни шу қадар илҳомлантириб юборганки, улар ҳам Навоийни... таҳрир қилишга тушиб кетишган. Албатта, замонага мослаб:

**Воқиф ўл, эй боғбон-ким, ҳар тараф гул шаклидин (III,371)
Воқиф, ўл, эй боғбон-ким, ҳар тараф пул шаклидин (I, 422)**

Тўғри-да, гул қайдаю пул қайда?

Яна бир мисол. Пайғамбаримиз мадҳида шоир ёзади:

**Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида ҳудҳуд,
Буроқинг сойир анжум шоҳи остида сарироси (I,34).
Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон оллида ҳудҳуд,
Буроқинг сойир анжум шоҳи устинда сипеҳросо (III, 30).**

Навоийнинг таҳрири шеърнинг, маънонинг остин-устин бўлиб кетишигача етиб бормагандир, ҳойнаҳой?

..."Мукаммал асарлар тўплами"нинг дастлабки ярми чиқиб-чиқмаёқ бу нашр иши ҳар тарафлама барбод бўлгани яққол сезила бошлади – бошида 7500 нусхадан босилаётган китоб "Хамса"нинг қоқ ўртаси – "Лайли ва Мажнун" (IX жилд)га келиб 6936 та, X-XI жилдларда эса 6000 тага тушиб қолди. XII-XIV жилдлар атиги 2000 нусхадан, XV-XVII жилдлар бор-йўғи 1000 нусхадан ва охирги уч китоб... 500 тадан чоп этилди. Ва бу қонуний. Ахир, ким ҳам бундайин кўримсиз ва сифатсиз китобни сотиб оларди? Асар мазмуни қанча яхши бўлса, китоб эстетикаси ҳам шунга яраша бўлиши керак эмасми?!

Пировардида таҳрир ҳайъати ҳам нашр иши бусбутун пачава бўлганини эътироф этишга тушди: дастлабки жилдлардаги салобат билан "Таҳрир ҳайъатидан" деб ёзиладиган сўзбошилар сувга уриб кетиб, "Институтдан" деб камтарона изоҳ бериладиган бўлди. Ва улардан бирида "Мукаммал..." деб аталган тўплам номукаммал тайёрланганлиги тан олиниб, нашр ҳали тугамай турибоқ "Кейинги нашрларда китоб юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олиб (?), арабий ва форсий матнларни ўз ўрнида (?) бериб чоп этиш кўзда тутилади" дея капитуляцияга бажонидил имзо чекилди...

... Барча давлатларнинг элчихоналарида эзгу бир удум бор – ҳар йили миллатнинг фахри бўлган энг улуғ мумтоз шоирнинг таваллуд куни ўтказилади. Украинлар Шевченко, қозоқлар Абай, италянлар Данте, олмонлар Гёте, ўрислар Пушкин... кунини нишонлаб байрам қиладилар, мезбон давлат бошлиқларини, фан ва маданият арбобларини, шу мамлакатдаги бошқа элчихоналар раҳбарларини адабий кечага чақирадилар, шу ижодкор асарларининг гўзал нашрларини ифтихор билан намойиш этадилар.

Ўзбекларда бу – Навоий... Биз Навоий билан ҳар қанча фахрлансак, халқимиз пешонасига Навоийдай адибни ато этган Тангрига ҳар қанча шукрона айтсак ҳам кам. Шу ўринда жаҳон маданияти тарихининг зўр билимдонларидан бири академик Конрадни эслаб қолдим. Навоийнинг асарларини таржимада ўқиб, унинг буюк мутафаккир шоир эканлигини инкишоф этган, шоир 525 йиллик юбилейининг Москвада ўтган тантанаси якунида - Жаҳон адабиёти институтининг мажлислар залидаги асосий маърузаси сўнгида азбаройи ҳаяжонланганидан, "Дунёга Алишер Навоийдек буюк шоирни берган ўзбек халқига тасаннолар бўлсин!" дея хитоб қилиб, йиғлаган қўйи, дастрўмолини юзига босиб, залдан чиқиб кетган эди у. Ҳа, биз шундоқ гигант шоири бор халқмиз.

Мустақилликнинг илк йили "Навоий йили" деб эълон қилинган эди. Президентимиз ҳам нуфузли анжуманларда буюк аждодларимиз, жумладан, Навоийнинг ҳурматини жойига қўйиш, эъзозлаш, руҳини шод қилишга даъват этаяпти. Давлат раҳбари шундай деб турган, ҳатто мутафаккир шоирнинг хориждаги мақбарасини таъмирлаш ташаббуси билан чиқиб турган бир пайтда, Навоийнинг мукаммал асарларини бунчалик бенаво ва номукаммал тўплам қилиб чиқаришни ҳеч бир важ билан оқлаб бўлмайди.

**Зуҳриддин
ИСОМИДДИНОВ**

Танқид

БОШБОШДОҚЛИК

Янгиликнинг пайдо бўлиши қийин. Унга кўникиш эса ундан-да мушкул. Шунинг учун ҳам бугун айрим соҳаларда, хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар кўламини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Сабаби, жойларда ўтирган айрим раис бувалар ҳануз собиқлар фаолиятини давом эттираяптилар. Ваҳоланки, бугун ерга ва мулкка бўлган муносабат ўзгарди. Бу ўзгаришни ҳис қилиш керак.

Бир мисол. Нима учундир сўнгги пайтларда Қувасой шаҳридаги А. Раҳмоналиев номли ширкат хўжалигидан текширувчилар аримай қолди. Кимдир бу ҳолни ғаламисларнинг иши дейишса, кимлардир ниҳоят ҳақиқат қарор топадиган бўлибди-да, деб қувонишди. Бироқ атрофдагилар нима деса десин-у, хўжаликда барибир ҳеч нарса ўзгармади. Нене текширувчилар келмади, нене қонунбузарликлар аниқланмади, дейсиз. Аммо ҳаммаси яна келган жойидан давом этаверди. Натижада бугун шу нарса ойдинлашмоқдаки, хўжалик аъзоларининг яшаш тарзи кундан-кун ёмонлашиб бораяпти. Тўғри-да, эртадан кечгача тиним билмай ишлаган деҳқон вақтида маошини ололмаса, вақтида кўнглидагидек дам ололмаса, қандай қилиб ерга нисбатан меҳр уйғонсин.

Хўжаликда ўтган йиллар давомида ижарага берилган боғлар шартномасининг деярли кўпчилиги хўжакўрсинга тузилган. "Ижара тўғрисида"ги Қонун талаблари қўпол равишда бузилган. Бу шартномаларнинг кўпчилигини ер ресурслари бошлиғи тасдиқламаган, ҳокимлик рўйхатидан ўтказилмаган. Шунингдек, бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан тузилган 7 та шартнома Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 10-24-моддаларига зидлиги аниқланди. Жумладан, "Ҳамкортранс-2" МЧЖ раиси Т. Маҳкамов билан хўжалик раиси Ҳ. Собиров ўртасида 2300000 сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб бериш юзасидан шартнома тузилган. Унда тузилган сана, жойи, тартиб рақами, жавобгарлик масаласи, ҳуқуқшунос хулосаси, ширкат хўжалиги раиси имзоси, муҳри мавжуд эмас. Шу "қўлбола" шартномага асосан тарафлар 850000 сўмлик ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишган.

Оддий ижарачилар билан эҳтиёт қисмлар етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларни кўриб, ҳайрон қолдик.

— Мен ўтган йили 1 гектар ўрикзорни ижарага олган эдим, — дейди хўжаликдаги 2-бригада ижарачиси Б. Юнусов. — Ижара ҳақи 180 минг сўм қилиб белгиланган эди. Мен шундан 95 минг сўмини бригадирга нақд берганман. Буни қарангки, менга ижара ҳақи учун 45 минг сўмлик ўрик маҳсулоти топширилди, деб ҳужжат қилинган. Аслида мен ўрик топширмаганман. Бундан ташқари, 2000 йилнинг 12 январь санаси билан мени 50 минг сўмлик 1 килограмм "Тетрадциклин" дорисини олган, деган ҳужжат қилинибди. Ваҳоланки, мен умуман дори ишлатмаганман. Дори учун ширкат хўжалигидан пул ҳам олганим йўқ.

Биз ана шундай антиқа шартномаларнинг атиги биттаси тафсилотини баён қилдик, ваҳоланки, бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин. Бу ҳолат ўз-ўзидан касса қоидаси бузилганлигини, яъни нақд пул банкка топширилмай, бошқа мақсадларда фойдаланилганлигини кўрсатади. Қувасой шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан хўжаликнинг молиявий томони ўрганилганда, хўжалик бухгалтериясида сохта ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилганлиги маълум бўлган. Жумладан, механизатор О. Нозимов тракторига 25 минг сўмлик "жатка", 40 минг сўмлик "КПИ-2,4" барабани, 30 минг сўмлик бошқа эҳтиёт қисмлар фақатгина қоғозларда "қўйилганлиги" фош бўлди. Хўш, бу қоғозлардаги жарақ-жарақ пуллар қаёққа кетди? Саволнинг жавоби ўз-ўзидан маълум. Буёқда эса бечора деҳқон йил бўйи ишлаб ўзига тегишли маблағини вақтида ололмай сарсон.

Буниси ҳам ҳолва, аниқланишича, раис бувамиз хўжалик ҳисобида бўлган техника воситаларидан 4 тасини қаергадир гумдон қилган экан. Ваҳоланки, ҳар бир техника ширкат хўжалиги меҳнаткашларининг умумий йиғилиши қарори билан сотилиши керак эди.

Дарҳақиқат, биз хўжалик аъзоларининг шикоятларида келтирилган айрим фактлар юзасидан берган саволларимизга хўжалик раҳбарияти сукут сақлашдан нарига ўтишолмади. Жумладан, ўтган йилларда сотилган бинолар, мажбуран сўйилган 26 бош қорамол (аризада бу моллар гўшти қассобхоналарда сотилиб, шаҳардаги корхоналардан бирига тирик вазнда сотилди, деб сохта ҳужжат қилинган, дейилган) учун қилинган ҳужжатларни сўрадик. Бироқ бу сўровларимиз ҳам жавобсиз қолди. Умуман олганда, хўжаликдаги бугунги аҳвол ниҳоятда ачинарли ҳолатда. Кредитор қарздорлик 151679 минг сўм, муддати ўтгани 10058 минг, дебитор қарзи эса 10219,0 минг сўмдан ошиб кетган. Бир неча ойлаб иш ҳақини ололмаётган ишчилар қаерга арз-дод қилишни билмай юришибди.

Хуллас, хўжалик фаолияти билан танишган сайин саволлар устига саволлар ёғаверади. Лекин жавобдан дарак йўқ. Хўш, бу саволларга ким жавоб беради?

**А. ЭҲСОНОВ
К. НАЗАРОВ**

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Ёднома

ИШОНАРДИ ИНСОН НАСЛИГА

Мақсуд Шайхзода ҳақида эслаганларим

Мен Мақсуд Шайхзода номига дастлаб 40-йилларда дуч келганман. Бизнинг "Ўқиш китоби"мизда ва, балки, "Ватан адабиёти"мизда бўлиши мумкин, Мақсуд Шайхзоданинг "Ўртоқ Навоий" деган шеъри ва бошқа асарлари бўларди, ёд ўқирдик. Ўйлаб-ҳисоблаб қарасам, ўша пайтда Шайх ака (биз уни шундай чақирардик) қирқ ёшларда эканлар. "Ўртоқ Навоий" шеърида Султон Ҳусайн Бойқаронинг Навоийни саройдаги базмга шеър ўқишга чақиртиргани тасвирланган. Ҳазрат Навоий олдин "Фарҳод ва Ширин"дан бир парча ўқийди, сўнг қўлга танбур олиб, "Эй, дўстлар" радифли ғазалини айтади. Қайтар чоғида эса хаёлига:

Тут гадолиғни Навоий муғтанам,
Шоҳлар олдида бош индурма кўп, —

деган байтлар келади. Энди-энди ўйласам, Мақсуд Шайхзода шахсга сиғиниш авж олган ўша замонларда ўзига ва замондошлари — ижодкор дўстларига назокат билан мурожаат қилган экан. Бу шеър менинг ўн икки ёшли зеҳнимда қандайдир ғайриихтиёрий равишда ўчмас бўлиб ўрнашиб қолган эди.

Мақсуд Шайхзоданинг яна бир "Капитан Гастелло" деган шеъридаги "Умрлар бўладики, тиригида ўликдир, Ўлимлар бўладики, ўлган одам тириқдир" мисралари эса бутун халқ орасида афоризмга айланиб кетган эди. Бунинг сабаби бу фикр ҳам ҳамма замонлар учун актуал бир муаммо бўлган экан. Яна бошида шохи борлигини элдан сир тутган ҳукмдор Искандарнинг бу сирдан беихтиёр хабар топган сартарошни йўқ қилмоқчи бўлгани ва сартарош бу сирни ҳеч қачон ҳеч кимга айтмаяжагини маълум қилгандан кейин уни омон қолдиргани ва барибир сир ошкор бўлгани ҳақида ҳикоя қилувчи "Искандарнинг шохи бор" афсонаси ҳам Шайхзода талқинида ёдимизда ўрнашиб қолганди.

1949 йили "Ўздавнашр"да "Армуғон" деган катта бир тўплам чиқди. Унда Шайхзоданинг "Жалолиддин Мангуберди" номли тарихий фожиасидан икки пардаси эълон қилинганди.

Бизнинг оилада оқшом пайтлари керосин билан ёнадиган ўнинчи чироқни ёқиб, бозиллаган танчада оёқларни иситиб, устига кўрпа ташланган сандалга бош эгиб, китоб ўқиш расм эди. У пайтларда ҳали телевизор чиқмаган, камдан-кам оилаларда радиокарнай бўларди. Бизда радио йўқ эди. Фақат патефонда халқ қўшиқларини, машҳур ҳофизларимизнинг мақомларини эшитардик ёки китоб ўқирдик — бирдан-бир қувончимиз шулар эди. Гўрўғли ва Алпомиш достонлари, халқ эртакларини

"қириб" ўқиганларимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ана ўша пайтларда "Жалолиддин"нинг чиқиши биз учун бамисоли катта байрамдай қувонарли ҳодиса бўлган эди. Биринчи пардада тасвирланган ҳашамат ва баланд пафос бизга қанотли руҳ берар, мактабда бир-биримизга: "Ассалом, давлатпаноҳ, ҳазрат Жалолиддин, яша!" деб сайраб кирардик. Яна Жалолиддин билан Насавийнинг манави диалоги ҳам завқимизни келтиради:

ЖАЛОЛИДДИН:
— Эл-ўлка соғ бўлсин, тож келиб кетар,
НАСАВИЙ:
— Калла омон бўлсин, соч келиб кетар.

Бундай парчаларга бой асар ёш юракларимизда ўзини таниш, ғурур туйғуларини уйғотаркан-у, ўзимиз бунинг фарқига бормас эканмиз.

Кейин орадан кўп ўтмай, 49-йилда бўлса керак, "Шайхзода ҳамалибди, халқ душмани экан" деган овоза тарқалди. Биз, ҳали шох-бутоғи чиқмаган ниҳоллар, "комсомол" деган ташкилотнинг ғўрғина аъзолари, бу — нима деган гап эканлигини англаб ҳам етмадик. Фақат "нега душман бўлади", "нимаси душман бўлади" деган ҳайронлик қолди юракларимизда.

1954 йилда домла оқланиб чиқдилар ва аста-секин адабий ҳаётга қўшилдилар. Кўп шеър ёзардилар, аммо бу шеърлар, очиғини айтганда, 50-йилларда бизга у қадар таъсир этмас эди. Турма ажойиб шоиримизни синдириб, тарашлаб чиқарганди. Москва, коммунизм, партбилет, Ленин ҳақидаги шеърлар... Аммо бу ҳол узоқ давом этмади.

60-йилларда шоиримиз яна асл ҳолига кела бошладилар. Тўғри, тузумни мадҳ этувчи шеърлари ҳали ҳам катта ўринни эгалларди, аммо улар энди асосан даврнинг суврати сифатидагина кўринар, очиқдан-очиқ кучаниб яратилган мадҳиялари йўқ эди. Аммо чуқур фалсафий шеърлари кундан-кунга ортиб, эларо ҳурмат ва шуҳрат қозониб борарди. Чунончи, Шайх аканинг "Яхшилар қадри" шеъри фақат шеър ихлосмандлари ўртасида эмас, ҳамма касбдаги ва ҳамма тоифадаги одамлар орасида ҳам ёд айтила бошлаганди:

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!
"Салом" деган сўзнинг салмоғин оқланг.
Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан, —
Уни тиригида бир соат йўқланг!

Шундай қилиб, Шайх ака яна халқчил шоирга айланиб, айниқса, ёшлар ўртасида ҳурмат-эҳтиром билан тилга олина бошланди. Афсуски, расмий идоралар, раҳбариятдаги айрим ўртоқлар унга керагича иззат-икром кўрсатмасдилар. Уни кўрмасликка олардилар. Асос-эътибори билан олганда, бунга ажабланмаса ҳам бўлади: халқ орзу-армонларини куйловчи шоирлар аксарият халқ ичида обрў қозонадилар-у, айрим манфаатпарастлар, мансабпарастлар, ўзидан бошқани ўйламайдиган олчоқлар уларнинг обрўйига, ҳаётига соя соладилар. Аммо адабиётнинг бир темир қонуни бор: ижодкорларни унинг намуналари мангу яшатади. Уларга менсимай қаровчилар, охири уларни тан олишга мажбур бўладилар. Буни тарих ўзи ҳал қилади.

1964 йилда "Мирзо Улуғбек" фожиасининг яратилиши ўзбек адабиётида катта воқеа бўлди. Шунда Шайхзодага "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби" унвони берилди. Аммо барибир "Жалолиддин" чиқарилмади. Шоир вафот этганига 20 йилдан ошганда "Дунё боқий" тўпламида илк бор тўла нашр этилди. Ҳолбуки, асар 1944 йилда битган ва 1945 йил январида саҳнага қўйилиб, шоншуҳрат қозонган эди. "Кўпдан буён узун умрли, бадиий салмоқдор саҳна асарини орзу қилардик, "Жалолиддин" бу орзуимизга жавоб беришга қодир", деб ёзгандилар Ойбек ва Ғафур Ғулом.

Мақсуд Шайхзода 1938-1967-йилларда Низомий номидаги Педагогика институтида ўқитувчи бўлиб ишлади (қамоқ йиллари бундан мустасно). Бу институтдан чиққан барча ёш ижодкорлар Шайхзода теварагида юришарди. Хайриддин Салоҳ, Юсуф Шомансур, Наримон Орифжонов ва ҳ.к. Аммо шоиримизнинг жўмард ва сахийлиги, ҳеч қачон яхшиликни орқага суриб ўтирмаслиги бутун ёшлар орасида афсона эди. Шахсан менга туркий тилларда, хусусан, озарбайжонча, туркча, туркманча, уйғурча китобларидан ўқишга бериб турардилар, мен бу яхшиликларини ҳеч қачон унутмайман.

Шайхзоданинг адабиётшунослика оид асарлари адабий давраларда, албатта, севиб ўқиларди. Чунончи, Навоий лирикасига оид "Шеърият мулкининг султони" мақоласи қанчалик қўлма-қўл бўлиб ўқилганини ижод аҳлларидан ҳеч ким унутмаган бўлса керак. Яна бир мақолаларида Фурқатнинг чет элдан келолмаслиги муаммосини ўртага қўйгандилар ва бу мақола зиёлилар аро империя кирдикорларига ишора бўлиб ўқилгани ҳам ёдимда.

Мен 60-йилларда "Ғунча" журналида ишлардим ва шоиримиздан болаларга шеър ёзиб беришни илтимос қилардим. Гаплари доим шу эди:

— Қуддус Муҳаммадийга боринглар, мен болаларга ёзолмайман.

— Қуддус акани беряпмиз. Бизга ҳар хил шеър керак, — дердим.

Ёзиб берардилар.

Гоҳ-гоҳ у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб қолардик.

— Шайх ака! Беруний ҳақида драма ёзаман, дегандингиз газеталарда, нима бўлди у? — деб сўрадим бир куни.

— Э, шу гапни қўйинг... — дедилар. Мен кўнмадим. Дедилар:

— Кўлёзмамни бошқармадаги бир ўртоқ ўқиб кўришга олганди, йўқотиб қўйганмиш... "Ўғирлашди шекилли" дейди... Ким билади, дейсиз... Қайта ёзишга ҳафсалам йўқ, илҳом ўлди..., — дедилар.

— Ўқишга олган — ким у? Ким, ахир?! — дедим. Айтмадилар...

* * *

1966 йилда Ғафур Ғулом вафот этди. Шайх аканинг "Ғафурга хат" деган шеъри босилди. Шунда бир куни Қуддус ака дедилар:

— Буни қаранг, Миразизжон... Шайх аканинг сатрига қаранг:

Кўп соғиндим, ўртоқжон, кўп соғинтирдинг,
Ногоҳ кетдинг, шодликлар уйин ёндирдинг.
Гўё сенсиз ой эмас кўкда порлаган
Гўё куёв эмас у, тўйга чорлаган.
Кўп соғиндим, ўртоқжон, азбаройи ҳақ,
Ҳали ўтмай тўқсон кун, шу заҳотиёқ
Сенга айтар гапларим, ҳасратим чексиз.
Даврамизда ўрнинг бўш, кимсасиз, ўксиз...

Бўлмабди энди, Шайх акам ҳам кетадилар. Бундай дейиш мумкин эмас. Сўзнинг қудрати самовий бўлади. Донишмандлар билади бу ҳикматни, — деб кўзларига ёш олдилар. Қуддус аканинг ҳаяжони менга ҳам юқди. Аммо "Ҳаёт дафтаридан" деган шеърида Шайх ака шундай деганди:

Бизнинг қадар ҳаётга ҳақли бўлган кимлар бор?
Сазоворми сўлмоққа бор экан қиш, ёз, баҳор?
Ол мени бағрингга, юв, эй замон шаршараси,
Соя тиззангга ястанай, эй руҳим мусиқаси!
Мен яшамоқ истайман уч рақамли бир сонда... —

шуни эслаб бир тинчланганday бўлдим.

— Аммо сўнгги гап — эътибор... Ўлим ва ҳаёт бобида сўзни эҳтиёт бўлиб ишлатиш керак, — деди Қуддус ака ва бу гап юрагимда титроқ билан қулоғимга қуюлиб қолди.

1967 йилда Шайх ака оламдан ўтдилар ва умрлик дўстлари Ғафур Ғулом билан қовушдилар.

Ўша кунлари мен Мақсуд Шайхзода хотирасига қуйидаги эпитафияни ёзгандим:

Кўкси баланд эди тириклигида,
Кенглик жойлашганди кўкрак қафасига.
— Душманлик йўқ, — дерди (буюклигидан!)
— Ишонарди инсон наслига.
— Душманинг кўп, — дерди хотини,
— Қўй, — дерди, — Сокина, ҳаммаси одам —
Улар ҳам қийналар, лочиним,
Улар ҳам ухлашмас хотиржам.

* * *

Шукрлар бўлсинки, халқ қаҳрамони Жалолиддиннинг ва халқ шоири Шайхзоданинг қадр-қиммати тикланди. Хоразмда Жалолиддин мемориали барпо этилди ва Шайхзода "Буюк хизматлари учун" олий нишони билан тақдирланди. Вақтнинг, замоннинг қонуни — шундай.

Миразаз АЪЗАМ

Назм

ТАҚДИР, БУҒДОЙИНГНИ ХОМ ЎРГАНМИДИМ?..



Абди ПАРДАЕВ

("Юрт ҳақида қўшиқлар" туркумидан)

Тақдир, буғдойингни хом ўрганмидим,
Камситган эдимми ёки зотингни?
Нечун, маъюс бўлсанг, мени тутасан,
Кишанлаб қўясан нега отимни?

Шунчалар пешонам мени шўрмиди,
Менда неки бўлса, сен юлқиб олдинг.
Митти вужудимни Сурхондан юлиб,
Яна йўлларимга термулиб толдинг.

Бўйимдан минг узун, бахтлар улашган,
Кўнглимни бўзлатиб, бунча куласан.
Бир кун кишанларин узар Фиротим,
Қора қўлларингни кессам, куясан...

* * *

Шамсия ХУДОЙНАЗАРОВАга

* * *

Дуоларим ижобатга ўтмади,
Овутганлар, овунчларим ёлғон-ей.
Кўнглимдан ҳам қорлар эриб кетмади,
Кўзларим ҳам бўлар тўкиб толған-ей.

Ҳув, сукутнинг бағрин уйган чилдирма,
Йиғлаб кетган сулув, энди гилдирми?
Хонадонин тўлдир, кулдир гулдираб,
Абди Парда йўқлигини билдирма!

Сочларимни сийпалаётган сабо-ей,
Мунглиқ қалблар дарди маҳзун наво-ей.
Мендан кечиб, ўзга қучиб кетганни,
Қувончларин келтир, менга даво-ей.

* * *

Шеърингиз шеър эмас, жўш, оташ, десам,
Ҳиссизлар ҳидсиз гап айтиб кетишди.
Мен маъюс, юлдузлар қоққан тонгларда,
Буғдойлар шивирлаб қўшиқ айтишди.

Сиз содиқ йўлдошу дардкашга даво,
Олтинсойда ноёб — очилган гулсиз.
Дунёга омонлик тилаблар юрган,
Яхшилик чорловчи — маъсума дилсиз.

Келинг-ей, ҳолимни тушунмоқ учун,
Мен сиздек покиза сирдошга зорман.
Ўзидан минг улуғ бахтлар улашиб,
Ва ўзи саҳрода қолган бир хорман...

"Сафарларинг бехатар бўлсин,
Муҳтож бўлма, ҳеч ҳам номардга.
Уйларинг ҳам буғдойга тўлиб
Йўлиқмагин бедаво дардга", —

Деб дуолар қилган кишига
Шошиб дарҳол садақа тутдим.
Гоҳида-чи хайриям бўлмай,
Сўровчидан ҳадиксираб ўтдим.

Шу сабабми, сафарларимда,
Яхшилар ҳеч йўлдош бўлмади.
Неки топсам, нокаслар юлқиб,
Уйимга ҳам буғдой тўлмади.

«ЎЗБЕК РАҚСЛАРИНИНГ ОШИҒИМАН»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– Илгари "Совет Ўзбекистони", "Советский Узбекистан" деган журнал чоп этилиб, элчихоналар орқали тарқатиларди. Ана ўша журналларнинг бир нечтаси менинг қўлимга тушиб қолган. Мен ундан мамлакатингиз, халқингиз, урф-одатларингиз ҳақида илк маълумотларни олганман. Ва улғайгач, албатта, шу юртга келишни ният қилганман.

– Илк бор Ўзбекистонга қачон ташриф буюргансиз?

– 1991 йил эди. 16 ёшлик қизалоқ чоғимда сайёқ сифатида Қирғизистон орқали Ўзбекистонга келгандим. Ўшанда юртингизнинг санъатини севиб қолдим. Тошкент давлат консерваторияси ва хореография билим юртига бордим. Ўқув жараёнларини кузатдим. Масъул кишилардан шу ерга келиб ўқисам бўладими, деб сўрадим. Бўлади, дейишди.

Шундай қилиб, 1994-1997-йиллар оралиғида хореография билим юртида ўқиб, рақс тарихи ва сирларини Розиҳон Каримова ва Сайёра Тўраева каби устозлардан ўргандим.

– Ўзбек рақсларини жуда гўзал пластика ва латофат билан ижро этасиз. Бу рақсни чуқур тушунишингизга гувоҳ. Аммо мени бунинг Сизга нега кераклиги ўйлантиради?

— Бирор нарсани ўрганишдан аввал унинг тарихига, ибтидосига назар солиш зарур, менимча. Мени инсоннинг нега рақс тушиши қизиқтиради. Мин Мао деган Лондонда яшайдиган хитойлик дугонам бор. У рақс ҳақида жуда чуқур тадқиқотлар олиб борган. У Шарқий Туркистондан топилган қадимий қўлёзмаларга таяниб, эрамизнинг 4-7-асрларида Тошкентда йигитлар ажойиб рақс тушишгани ҳақида маълумотлар беради. Ўша манбаларда уларнинг қарсак чалиб айланиши, қизил кийим кийишгани, ҳар бир рақс ва раққоснинг баҳосигача маълумотлар бор экан. Кейинчалик хитойликлар рақсни улардан ўргангани ҳақида тахминлар бор.

Қадимий Юнонистонда Дионис маросими бўлган. Уларда йигитлар қўлларида шароб тутиб ўйнаганлар. Айтишларича, мана шу рақснинг ибтидоси ҳам сўғдийларга бориб тақалади.

– Сиз Эрон, Хитойда яшаб рақс ўрганганингизни, Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам бўлганингизни айтдингиз. Нега айнан Ўзбекистонда халқимиз рақсларини ўрганишга киришдингиз?

– Саволингиз ўринли. Қозоқларда хореография анча ривожланган. Бироқ улар санъатида совет даври нуқси уриб қолган. Қирғизларда эса бир-ярим "Манас"дан олинган лавҳалар, "Ёмғир рақси" каби миллий ўйинлар бор. Аммо ўзбек санъати ўзига хос яхлитлигича сақланиб қолган. Унинг бойлигини яқин атрофдаги мамлакатларникига солиштириб бўлмайди.

– Ўзингизни рақс шайдоси – раққоса деб биласизми ёки кўпроқ унинг тарихини ўрганувчи тадқиқотчи демми?

— Раққоса бўлиб кун кечириш осон эмас. Айниқса, рақс тушаётганларга муносабат мураккаб вазиятда. Аммо рақснинг асосида эътиқод, Аллоҳга зикр ётган. Бундай рақслар доимо ҳам кўришли бўлмаслиги мумкин. Лекин у барибир инсоннинг эзгулик сари интилишлари, гўзалликка муҳаббати, қалб гўзаллигининг ифодасидир.

Инсон учун қорин тўйғазишга унча кўп нарса керак эмас. Муҳими, қорин ғамини ҳаёт мазмунига айлантирмасликда. Инсон фақат шу ташвиш билан яшаганида унинг ҳаёти нақадар ғариб, маъносиз ва аянчли бўларди.

Инсоннинг ҳаёти учун, албатта, санъат керак. Ҳақиқий фойда барибир илм-маърифат орқали келади. Инсон фақат ожизона кўпайиш учун, ўзи

каби ожиз, ҳаёт моҳиятини англамасдан ўтиб кетадиган фарзандларни яратиш учунгина дунёга келмайди. Ўзининг ва яқинларининг руҳий мақомлари юксалиши учун санъатдан бошқа йўл йўқ.

Мен рақс тушишни севувчи тадқиқотчиман.

– Санъатда устоз-шогирдликка қандай қарайсиз? Назаримда, устоз кўриш мақолда айтилганидек "ҳар мақомга йўрғалаш", яъни вақт йўқотишнинг олдини олади...

– Тўғри. Устоз, айниқса, дастлабки паллада жуда керак. Аммо устозга боғланиб қолиш ҳам тараққиётга етакламайди. Мен кўп ёш раққосаларни кўрдим. Улар бирор устоз санъаткорнинг яхши шогирди. Аммо улар шогирдликларича бир умр қолиб кетяптилар. Шунинг учун мен тобора кўпроқ кишилардан таълим олгим келади. Шу боис гоҳ Сурхондарёга бориб фольклор ўрганаман, гоҳ бевосита Хоразмга бориб, тўйларда қатнашиб, гўзал мимикаларни ўзлаштираман, гоҳ фарғонача, гоҳида эса бухороча услубдан баҳраманд бўламан. Бу йўлда кўплаб инсонлар менга кўмак беришяпти.

Педагогикада бир ўқитувчидан тил ўрганиш яхши эмас, деган гап бор. Зеро, дунёни бир одамнинг кўзи билан кўриш яхшиликка олиб келмайди. Кўпни кўриб, улардан ибрат олиб ўз фикринг, ўз услубинг бўлишига интилмоқ жоиз...

Гоҳида бир услубга ўрганганларнинг чекланиб қолганини юрагсан. Уларча ўз услуби ҳаммадан зўр. Бошқа услубни кўргани кўзи йўқ. Бағрикенгликка ўргатади кўп нарсани билиш. Чиройли нарсани кўрса, эътибори ортади. Ҳатто гўзалликни кўрганида меҳри зўрлигидан ўша чиройли гулни узишга кўзи қиймайдиган бўлиб қолади. Санъатнинг сеҳрли кучи бу...

– Қайси рақсни кўпроқ севиб ижро этасиз?

— Ҳаммасини. Кўпроқ "Тановар", "Сурнай рақси", "Лазги"ни севаман. Уйғурча рақслар ҳам менга жуда ёқади.

– Қайси тилларни биласиз? Ўрганаётганингизни фақат ўзингиз учун деб биласизми? Ёки бирор бошқа жиддийроқ ниятингиз ҳам борми?

– Ҳозир менга ўрганиш, кўпроқ билим олганим муҳим. Эронда, Хитойда бўлганимда форсийни, уйғурчани ўргандим. Ўзбекча, ҳиндча, инглизча, немисча ва французчани, бироз итальянчани ҳам биламан. Тилни билиш менга дилларни билишга йўл очяпти.

Келгусида бор билганларимни жамлаб, эҳтимол, бирор китоб ёзарман. Аммо ростини айтсам, китоб ёзиш учун атайлаб режали ишлаётганим йўқ. Муҳими, ҳали айтганимдек, ўзим қизиққан соҳа ҳақида кўпроқ нарсани ўрганиш.

– Яна қандай ниятларингиз бор?

– Навоий, Бобур, Машраб ва бошқа мумтоз шоирлар шеъриятидан баҳраманд бўлишга интиляпман. Уларни тушунишга уринаман. Энди замонавий яхши шоирлар асарларини ҳам ўрганмоқчиман. Бу менинг жаҳон хазинасига улкан ҳисса қўшган миллатингизни, миллий рақсни ҳам янада теранроқ тушунишимга кўмаклашади, деган умиддаман.

А. КАРИМ суҳбатлашди

ҲИКМАТЛАР

Сенга мақтов ёғдирганлардан қоч. Уларнинг мақтови сенинг қалбингни ўлдиради.

* * *

Қаҳрли назаринг олов учқунини сочар экан, сен ҳақиқий инсон эмассан, шафқат нурлари билан оламга боқсанггина ҳақиқий инсон бўласан.

* * *

Иккиланишлар инсонни ортга судрайди, ғамгин этади, иймон инсонни олға бошлайди, қалбига қувонч бағишлайди.

* * *

Яхши фикр юритишга ҳаракат қил. Яхши фикрлай олмасанг, яхши фикрлайдиганни топ. Унинг фикридан фойдалан. Акс ҳолда фалокатдан ўзингни қутқаролмайсан.

* * *

Ўлимдан қўрққанлар — тақдирга аччиқ қилганлар, Аллоҳга етишишни ёқтирмаганлардир.

Тўпловчи: Наргиза АБДУҒАФФОРОВА



ТОШКЕНТ АНҲОРЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

надон эгалари "қўлбола канализация" сифатида фойдаланишмоқда. Шу ўринда қизиқ бир савол туғилади. Илгарилари ҳамшаҳарларимиз ариқ-зовурларни чиқиндилардан тозалашарди. Эндиликда эса кўпчилик оқар сувга ахлат ташламоқда. Қани бу ерда сувга нисбатан ўзбекона ҳурмат?

Тошкент шаҳар ҳудудидан 100 дан зиёд анҳор ҳамда каналлар оқиб ўтади. Уларнинг 10 таси вилоят, 37 таси шаҳар сув хўжалиги бошқармасига, 54 таси эса СУ — Марказ бошқармасига, "Қорақамиш канали" эса Тошкент вилоят мелиорация ва экспедиция бошқармасига, "Бўзсув" ҳамда "Оқтепа" каналлари энергетика вазирлигига қарашлидир. Афсуски, ҳозирги пайтда анҳор ҳамда каналлардан оқаётган сувнинг бактериологик-кимёвий кўрсаткичлари талаб даражасига умуман жавоб бермайди. Бунинг асосий сабаби ҳамшаҳарларимизнинг ҳаётимиз манбаи бўлмиш оқар сувга нисбатан ўта беҳурмат муносабатда бўлишларидир. Йўқса, канал ҳамда анҳор ёқаларида истиқомат қилувчи 600 га яқин хонадон эгалари молхона, ҳаммом, ҳатто ҳожатхоналаридаги чиқиндиларни ҳам оқар сувларга оқизиб қўйишармиди?

Тўғри, бунга мутасадди идоралар қараб туришгани йўқ. Масалан, шаҳар санитария-эпидемиология хизмати ходимлари томонидан юқоридаги ноқонуний қурилган жойлар буздириб ташланди ва эгаларига жарима солинди. Очиқ сув ҳавзалари қирғоқларига ноқонуний қурилган иншоотларни буздириш тўғрисида берилган тавсияномаларни белгиланган муддатда бажармаган хонадон эгаларига нисбатан маъмурий чора кўрилмоқда. Айрим хонадон эгаларига жарима солинди, айримларининг ишлари эса туман суди ҳамда прокуратурага юборилди.

Биз юқоридаги воқеаларни кўрар ва қоғозга туширар эканмиз, бир савол тинчлик бермасди. Барчамиз оқар сувни булғаш инсонийлик тамойилларига зид ҳамда гуноҳи азим эканлигини биламиз-у, нега яна ҳеч нарсани билмаган ёки кўрмагандай унга қўл ураверамиз?

Неъмат РАФИҚОВ, журналист

Voice of America

Америка овози

www. voanews. com/uzbek

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.

«Америка овози»

радиосини қисқа тўлқин — УКВ 17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда; 20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19, шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

VOA

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA
Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368
uzbek@voanews.com

Ўзингни англаб ет!
Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91. Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Индекс: Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 515
Адади: 3047

Ⓡ — тижорат белгиси.

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.